



Mustaqil gazeta

HURRIYAT


O'zingni anglash!

Газетамизга
2009 йил учун
обуна
бошланди.
**Муштарийларимиз
сафида бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-йил декабрдан чиқа бoshлаган * Chorshanba kunlari chiqadi * 2008-йил 22-oktabr, №45 (600) * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

САМАРҚАНД БОҒОТЛАРИ ТИКЛАНСА...

Улуғ аждодларимиздан Захриддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг машҳур "Бобурнома"сида "Дунёнинг инсон яшайдиган қисмида Самарқанд каби шаҳар йўқдур, у бешинчи иқлимга мансубдур. Унда узум, олма, анор ва бошқа мевалар бўлсёр. Лекин энг яхшиси себи Самарқанд (олма) ва соҳиби Самарқанд (узум нави)" деб ёзганди.



⇒ 4-бет

МЕН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УЙ СОТДИМ?

Бироз маблаг зарур бўлгани учун уч хонали уйимни сотиб, икки хонали уй олмоқчи бўлдим. Шу йилнинг август ойида бюрократларнинг барча тўсиқлари-ю инжиқликларини бир амаллаб бартараф этиб, бир ой деганда уйни сотиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни (маълумотномаларни) тайёр қилдим. Уларнинг ҳар қайсисини олиш йўлидаги сарсон-саргардонликларни эслашнинг ўзи азобли.



⇒ 4-бет

АЛЕКСАНДР БЛОК КЕЧАСИ

Цветаева ёлғиз Блокнинг ижодининггина самовий юксакликка қўя олди. Буни шеърининг руҳи билан руҳни тозалаш деб билди (худди оловда тозаргандай!). У бундай юксак шеърининг ўзини дахлдор деб билмади, бу ҳақда уйламади ҳам!



⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ 2008 йил 20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти "Озиқ-овқат экинлари еклидиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўнайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йилнинг 15 октябрь куни Оқсарой қароргоҳида Малайзия Қироллиги, Эрон Ислам Республикаси, Исроил давлати ва Белорусь Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Абдул Азиз Бин Хорун, Муҳаммад Кешоварзода, Хилель Ньюман ва Игорь Соколарга ишонч ёрликларини тоширди. Давлатимиз раҳбари ишонч ёрликларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошланган миссияларида муваффақият тиласди.

■ Шу йилнинг 17 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йқуналари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда ҳукуматнинг 2008 йил 8 февраль ва 18 июлдаги мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини бажаришни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

■ 2008 йилнинг 16-17 октябрь кунлари Ўзбекистон Бадний академиясининг Марказий кўرғазмалар залида "Буюк ишак йўли туризми" XIV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Азим Тошкентнинг 2200 йиллик тўғи арафасида ўтказилган ушбу ярмаркадан қўзланган асосий мақсад жаҳон жамоатчилигининг мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик имкониятлари билан таништиришдан иборат эди.

■ Тошкентда тўртинчи халқаро «TashkentALE-2008» фотобизнесалеси бошланди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ушбу тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағнамаси, Ўзбекистон Бадний академияси ва Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилди. Мазкур халқаро фотокўрғазмада мамлакатимиз фотожодкорлари билан бир қаторда Германия, Италия, Буюк Британия, Россия, Япония, Канада, Хитой, Покистон, Исроил, Вьетнам каби йигирмадан ортққ давлатдан вакиллар ўз асарлари билан иштирок этмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинганига 19 йил тўлди

Миллатимиз ғурури

Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.

Ислам КАРИМОВ



СУРАТДА: бўлғуси тилшунослар — Ўзбекистон Миллий университети филология факультети 4-босқич талабалари Абдусвоси Ҳайдаров олган сура.

Жаҳон халқлари Маҳмуд Қошғарий, Юсуф хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби улуғ алломаларнинг тили сифатида катта ҳурмат билан эътироф этадиган ўзбек тили бугун тўла маънода халқимизнинг кўксини

ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлдириб турибди. Ўтган ўн тўққиз йил мобайнида она тилимизнинг мавқеи тикланиб, унинг ривожига бўлган эътибор янада ошиб бормоқда. Айтиш жоизки, бугунги кунда она тилимизга бўлган эътиборнинг кенг қўлам касб этаётганини нафақат юртимизда кузатилаётган ижобий

янгилишлар, балки дунёдаги турли миллат вакиллари-нинг ҳам бу тилга бўлган қизиқишлари ошиб бораётганидан англаш мумкин. Ҳўзал санъатимиз, миллий спортимиз, қолаверса, бетакрор бадий адабиётимизга иштиёқ бошқа элатларнинг ҳам тилимизни билишга бўлган рағбатини ошираётганлиги шубҳа-

сиз. Қолаверса, бизнинг ёшларимизга ҳам чет тилларини мукаммал ўрганишлари учун катта имкониятлар яра-

тилган. Аммо бу ўз тилимизга бўлган ҳурматни чеклайди дегани эмас. Ўз тилини юракдан севган кишигина бошқа тилларни ҳам ўрганишга интилиши мумкин. Яна бир гап, ўз тилини пухта ўрганмай, билмай туриб хорий тилни кўкларга кўтариш эса ҳақиқий миллат фарзандининг иши эмас.

Ҳар қандай мустақил давлат ва халқ ўз тилига эга бўлади. Шу тилда кенг қамровли фаолият олиб боради. Зеро тил миллатнинг ўзлигини намоеён этувчи, маънавий қиёфасини белгиловчи, давлатнинг тарихи ва келгуси тараққиёт босқичларини ифодаловчи муҳим белгилардандир. Аммо сир эмаски, етмиш йиллик мустақиллик даврида давлат органларидаги барча фаолиятлар асосан ўзга тилда олиб борилган эди. Бу эса оддий халқ учун кўпгина ноқулайликларни туғдирганлиги табиий. Истиқлол эса тилимизга юксак мавқе бағишлади. Уни давлат тили мақомига кўтарди.

(Давоми 3-бетда.)



Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

ОБУНА-2009

ДУНЁ СИЁСАТИ

ҚАДРИЯТ

Учқудуқда ҳам "Hurriyat"ни севиб ўқишади

"Hurriyat" севимли газеталаримиздан бири бўлиб қолган, десаам янелишмайман. Сабаби, унинг саҳифаларида вериб ворилатган турфа мазмундаги мақолалар, танқидий-таҳлилий материаллар, кишиларни ваҳсуға чорловчи мулоҳазали чиқишлар туманимиз аҳлига ҳам бирдек манзур бўлиб келмоқда. Айниқса, миллийликимизни, хурриятимизни ёт фоялардан асраб-авайлаш руҳи билан суғорилган таҳлилий мақолаларнинг салмоғи кун сайин ортиб бораётгани қувонарли ҳол. Шу боисдан ҳам 2009 йил учун Учқудуқ туман корхона ва ташкилотлари ходимларидан 70 нафари севимли газетамизга обуна бўлишди. Ва бу иш ҳали яна давом этаётти.

Маълумки, Учқудуқ тумани ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларга кундан-кунга ривож топиб бормоқда. Аммо пойтахтдан қариб 800 км. узоқда жойлашганимиз учун юрт раёнаки йўлига олиб бораётган барча хайрли ишларни баъзан республикада тўлиқ намоеён этиш имкониятига эга эмасмиз. Ваҳоланки, туманимизда ҳам турли соҳаларда меҳнат қилиб келаётган фидоиб инсонлар, фран ва турмушини турли жабҳаларида изланишлар олиб бораётган кишилар жудаям кўп. Уларнинг меҳнат фидолияти, беваҳо иш тажрибалари ҳақида халқимиз севимли газетамиз — "Hurriyat" орқали ҳам бохабар бўлишни истаб қолардик.

О.ҲАЛИМОВ,
Учқудуқ туман ҳоқими ўринбосари.

Инқироздан чиқиш учун



Франция президенти Никола Саркози, Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу ва АҚШ президенти Жорж Буш Вашингтонда навбатдан ташқари катта саккизлик учрашувини ўтказиш масаласини муҳокама қилдилар. Унда жаҳон иқтисодий инқирози муҳокама этилади.

Музокаралардан сўнг саммитни 4 ноябрдан сўнг ўтказишга келишиб олинди. Катта саккизлик учрашувиде АҚШнинг янги сайланган президенти иштирок этиши ҳам мумкин. Сал аввалроқ Россия раҳбари Д.Медведев ушбу саммитда Хитой, Бразилия, Ҳиндистон, Жанубий Африка Республикаси, Мексика каби ривожланаётган мамлакатлар раҳбарлари ҳам иштирок этишини таклиф қилганди.

Ўзликни англаш синовлари

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз фуқароларининг маънавий дунёқароши ҳам бутунлай ўзгарди. Бунда Юртбошимиз Ислам Каримовнинг аждодларимизнинг миллий меросини халқимизга қайтариш, уларни умум-халқ мулкига айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари муҳим омил бўлмоқда. Маълумки, инсон шахси овоз, ҳаётдан, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса қадриятларга муносабат миллий менталитетимизга хос ва мос тарзда тез ривожланиб боради.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг ҳулосаларига кўра, мамлакатимиз фуқароларининг аксарияти (73,1%) шахсининг камол топишида умуминсоний қадриятларни, яъни маънавий фазилатларни муҳим деб биллади. Шахсининг камол топиши Батаннинг эртанги кунини бўлган ёш авлод тарбиясига бевосита боғлиқдир. Тарбия бизда давлат аҳамиятидаги сиёсий масала бўлганлиги учун ҳам ёшларда биринчи навбатда катталарга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш жамият аъзоларининг муҳим вазифасидир. Ҳамма нарса ана шу вазифани уддалашдан бошланади.

Сўровда иштирок этганларнинг аксарияти фикрича (86,7%), қадриятлар асосини авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий анъана ва урф-одатлар ташкил қилар экан. Тадқиқот натижалари меҳмондўстлик ва дўстона муносабат,

меҳр-муруват ва инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва камтарлик, катталарни ҳурмат қилиш каби халқимизга хос бешта устувор маънавий хислатни аниқлаш имконини берганлигини қайд этади. Мазкур хислатлар миллий менталитетимизга азал-азалдан хос бўлиб, зарур ахлоқий мезонлардир. Кишиларнинг дунёқарошини аниқлаш, уларнинг дилида ҳали тилига чиқмаган, ҳатто қатъий бир қарорга айланиб улгурмаган ўйларига ча билиш воситаларининг пайдо бўлиши салбий ҳолатларнинг олдини олиш имкониятларини яратмоқда.

Коммунистик мафзура ҳукмронлик қилган собиқ иттифок даврида миллатни ўз миллий қадриятларидан ажратиш, юқорининг амри-фармонида "лаббай", деб қўл қовуштириб турадиган мутега айлантириш, миллатни ўзликдан узоқлаштириш сиёсати юргизилди.

2»

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Ўзликни англаш синовлари

(Бошланғич 1-бета.)

Одам жамият машинасининг бир винтига айлантирилди. Ана шундай шароитда маънавий қадриятларимиз синовдан ўтди, шу жумладан, бешикданок онгу шууримизга ана сўти билан сингдирилган катталарни ҳурмат қилиш ҳисси ҳам тоталитар тузум зуғумлари таъйиқига учради. Кишиларни синдий мансублигига қараб аташ, коммунист, комсомол ташкилотлариға аъзолигига қараб муносабат билдириш, ишонсизлик метёрибини белгилаш шўро адабиёти ва санъатнинг ҳам диққат марказида бўлган эди. Адабиётга, санъатга тикиштирилган "янги турмуш" мезони кўп йиллар коммунистлар идеали бўлиб келди ва у миллий қадриятлар, шунингдек, умуминсоний қадриятларнинг емирилишига сабаб бўлди. Шунинг учун Янги Конституциямиз қабул қилинаётганда Президентимиз ташаббуслари билан унга 66-модда махсус киритилди: "Воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар".

Ўзбекистон — кўпмиллатли мамлакат. Шундай экан, юртимиздаги миллати, элати ва этникида турлича кишиларнинг ҳар бири Асосий қонунимизнинг ушбу талабини бажаришга мажбурдир. Бу, аввало, ота-онага, кекса авлодга ҳурмат-эътиборнинг намунаси. Маълумки, комил инсон тарбияси миллий ғоямизнинг муҳим таркибий қисми. Катталарни ҳурмат қилиш эса комил инсон тарбиясининг асосини ташкил этади.

Катталарни ҳурмат қилиш, ёшларнинг андишали бўлиши маънавий-ахлоқий муҳим шартларидир. Муस्ताқиллик йилларида маънавий қадриятларимизни халқимизга қайтаришда ва унинг янги қирраларини намойиш этишда маҳалла институтининг жорий қилинган муҳим вояга бўлди. Миллий урф-одатларимиз аънаваларимизнинг давомийлигини, ҳаётийлигини кўрсатиш айна маҳаллада амалга оширилади. Бу миллатимизнинг азалий қадриятлари бўлган Наврўз каби байрамлари, тўй ва турли маросимларни ахлоқ-одоб доирасида ташкил этиши-

ни тартибга солиш, катталарни ҳурмат қилиш ва кичикларга иззат кўрсатиш хислатларини ўзида намойён этгани каби тадбирлар бевосита шу ерда ўтказилади. Кекса авлод, меҳнат қилиб нафақага чиққан фаоллар, ота-оналарни бирлаштирган маҳалла институтининг фаол ҳаёт кечиришга чорлаш ва айни пайтда ҳурмат-иззатини жойига қўйиш воситаси сифатида ҳам халқимиз қалбидан чуқур ўрин олди.

Ўзини ўзи бошқариш органлариға тобора кенгрок ваколатлар берилиб, уларнинг, жумладан, маҳаллаларнинг роли юксалмоқда. Баъзан маҳалла маҳаллий миллат вакилларига хос тадбирлар ўтказиш жойи деган эътирозлар ҳам эшитилиб қолади. Аслида маҳалла байналмилал маскан сифатида ҳар бир миллат ва элатнинг аънава ва урф-одатларини умумлаштириш, улардаги умуминсоний қадриятларни кенг ёйиш маскани сифатида ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Масалан, ночор ва ногиронларга, қаровсиз қолганларга меҳр-оқибат кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби хайрли тадбирларда маҳалла бош-қош бўляпти. Оммавий байрамлар ва умумхалқ ҳашарларини ташкил этиш ва ўтказишда ҳам ўзининг мувофиқлаштирувчи ролини оғишмай амалга оширмоқда, маблагларни мақсадли сарф-харажат қилувчи жамоатчилик органи сифатида намойён бўлмоқда. Халқ тарихининг яратувчиси деймиз. Аждодларимиз тарихи, хотираси ҳам биз авлодлар учун қадри ва юксак ҳурматга муносиб. Тарихий хотирага ҳурмат маънавиятимизнинг асоси, ҳар биримизнинг англаган ҳақиқатимиздир. Уч минг йиллик тарихимизни, қадриятларимизни ҳурмат қилиш демокдир.

Катталарни ҳурмат қилиш албатта, оилада шаклланади. Аънаваларимиз ва урф-одатларимизнинг мазмун-моҳияти, шакл-шамойили шуни тақозо этади. Ушбу ришталарни санъат ва адабиёт воситасида янада муштаҳамлаш керакка ўхшайди. Афсуски, баъзан маийш, кундалик турмушда бунинг тескариси ҳам учраб туради. Масалан, метро, автобус, троллейбус ва трамвайда кўп ҳолларда ёш йигит-

қизлар ўриндиқларни эгаллашиб, кулоқларига уяли телефонга уланган микрофон тугмасини тақиб олишда да кетаверишади. Ёши бир жойга бориб қолган кексалар қийналиш-ётганини кўришса ҳам уларга парво қилишмайди.

Катталарни ҳурмат қилишнинг кундалик турмушимизда жой олишидан адабиёт ва санъатнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда чоп этилаётган бадий асарлар, кинофильмларда халқимизнинг бундай фазилатлари биров суйгани кўзга ташланмоқда. Маийш турмуш ташвишлариға тўлиб-тошган қисса ва романлар ҳам эмас. Лекин уларда биз тилга олган қадриятга етарлича аҳамият берилмаёттир. Марказий телевидениемизда хорижликлар фильмларини она тилимизга ўғириб томошабинларга етказишда анчагина хайрли ишлар қилинаётганлигини таъкидлаган ҳолда, бу борада миллий менталитетимизга мос талабларга етарлича эътибор берилмаётганини ҳам айтиб ўтишни хоҳлар эдим. Узлуксиз берилмаётган турк сериалларидаги ота-болалар ўртасидаги келишмовчиликлар, мулк талашлар, сотқинлик, баъзан кўзга ташланадиган ахлоқсизликлар масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак, назаримда.

Япон ва корей киноижодкорлари томонидан томошабинларга ҳавола этилаётган фильмлар ота-онага, катталарга ҳурмат ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга имкон беради. Лекин аргентиналик, туркиялик киноижодкорларнинг кўп сериали саргузашт фильмлари томошабинларга, айниқса, ёшларга ибрат бўлиши кийин. Мамлакатимиз киноижодкорлари томонидан экранга чиқарилаётган картиналарда ҳам ибрат бўладиган, маънавиятимизни унутмайдиган махсулотлар у даражада кўп эмас. Назаримизда, ўзлимизни чуқур англашга қаратилган, гуруримизни юксалтирадиган, катталарни ҳурмат ва кичикларни иззат қилишга ундайдиган бадий ижод намуналарини кўпайтириш пайти келди, деб ўйлайман. Зеро ҳамма улуғ ишлар ота-оналарни ва устозларни эъзозлашдан бошланади.

Илёс ҚУВОНДИКОВ

МУҲДА

Сўнги йилларда Навоий вилоятида ҳам ката ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Уларнинг салмоқли қисми давлат дастурлари асосида бажарилаётган бўлса, яна бир қисми тадбиркорлар томонидан бунёд этилаётгани қувонарли ҳолдир. Ана шундай ибратли ишлар вилоятнинг чекка ва йирик саноат марказларидан бири Учқудуқ шаҳрида ҳам жадал давом этмоқда.

Янги касб-ҳунар маскани

Бунга мисол қилиб яқиндагина фойдаланишга топширилган Учқудуқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежининг янги муҳташам биносини айтиш мумкин. Барча шарт-шароитлар муҳайё этилган коллежда бугунги кунда 300 нафар талаба 6 йўналишда рус ва ўзбек тилларида касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда. Уларга 35 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бermoқда.

Илк ўқув йилиданок коллежда таълим-тарбия жараёни билан бир қаторда маънавий маърифий тадбирлар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаёттир. Сентябрь ойидаёқ ўзбек ва қозоқ миллиятига мансуб қизлар ўртасида "Иқбол" танлови ўтказилди. Бундан ташқари, коллеж миқёсида айни пайтда 10 та гуруҳ ўртасида "Заковат" интеллектуал ўйинини ташкил этиш режалаштириляпти. Бу йилги "Зул-

фияхоним қизлари" кўрик-танловининг туман босқичида коллеж талабаларидан Ф.Раҳматов, Р.Малдемановалар иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди.

— Коллежимиз яқиндагина ташкил этилган бўлса-да, жамоамиз билан юксак марраларни қўзлаб иш олиб бораёلمиз, — дейди биз билан суҳбатда ўқув даргоҳининг маънавий маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Сарвиноз Салимова. — Бугунги кунда коллежимизни тўлиқ жиҳозлаб, ўқитувчи ва ўқувчилар учун барча шарт-шароитларни яратдик. Шунингдек, зиё масканимиз базасида спорт мактаби ҳам ташкил этилди. Унда ўқувчиларни оммавий равишда спортга жалб этиш учун имкониятлар етарли.

Азамат САҒАРОВ, "Hurriyat" мухбири



ТААССУФ



Хабарлар

ОҚИМИ

КОМПАНИЯ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг Коммуникациялар бўйича қўмитаси раиси Чой Си Жунг раҳбарлигидаги делегация EVO савдо белгиси остида иш юритувчи "Super iMAX" компаниясининг очилиш маросимида иштирок этди.

Мақзур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Арипов ҳам қатнашди.

EVO — Ўзбекистондаги биринчи мобил WiMAX тармоғи ва жаҳондаги WiMAX «иккинчи тўлқин» мобил тармоғининг биринчи операторларидандир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, аънавий радиоалоқа технологияларидан фарқли равишда WiMAX тўғрисида тўғри кўринмайдиган таянч станцияси орқали ҳам ишлайди. Усулнинг бир тўплами бир неча идора ва нуқтани боғлайдиган юқори тезликли симсиз Интернетга уланиш, телефон алоқаси хизмати ва корпоратив VPN-тармоқ яратиш имконини беради. Заънавий телекоммуникация технологиясини Жаънабий Кореянинг «Korea Telecom» ва Япониянинг «Sumitomo Corporation» компанияларининг етакчи мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг ўзaro ҳамкорлиги натижасида ўларoқ, юртимизда «Super iMAX» компанияси ташкил этилди.

Айни пайтда WiMAX Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятларида кенг миқёсда фаолият олиб бормoқда. Маълумотларга кўра, кейинги йилнинг сўнги гагача «Super iMAX» бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб WiMAX симсиз алоқа тизимини жорий этади.

Ҳосил КАРИМОВ, "Hurriyat" мухбири.

НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ

Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ҳисобланган — "Хисорнефтьгаз" компанияси мамлакатимизнинг турли ҳудудларида нефть, газ, конденсат конларини қидириб топишда катта муваффақиятларга эришмоқда.

Дашт ва тоғолди ҳудудларида ишлаётган ишчи ва мутахассислар ер қаърини бургулашда тез, самарали ва юқори босимли усуллардан фойдаланиб, катта ютуқларга сазовор бўляпти. Хусусан, Қамаша газ-конденсат конида бу борада яхши натижага эришилмоқда. Бу ерда қовланаётган 4-қудуқда бир неча кун ичида 3272 метр ер қаърига қувур тортилди. Ушбу маъбадан кунига 400 куб метр газ, 36 тонна конденсат олиш имконияти яратилгани ҳам ютуқлар салоҳиятидан дарак. Шунингдек, геологлар Бешкент конида битта, Нишон ва Гузор туманлари ҳудудида учта газ-конденсатли қудуқларини қовлаб, синов учун топширдилар.

Дашт ва тоғолди ҳудудларида кечаю кундуз меҳнат қилаётган геологлар, мутахассислар, ишчилар табиатнинг илиқ кунларинан унумли фойдаланиб, қовланаётган қудуқларини давлат синов-комиссиясига тезроқ топшириш, истиқболли майдончаларда янги-янги конларни кашф этиш таррадуудида меҳнат қилаяптилар.

Ғани ПЎЛТОВ, "Hurriyat" мухбири.

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қoшмадаги Юнусов академик лицейида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг аҳамияти" мавзусида учрашув-семинар ўтказилди.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган мақзур тадбир кўрғазмали тарзда ташкил этилиб, қатнашчиларга ҳуқуқий адабиётлар тарқатилди. Саволлар талаба ёшлар томонидан эмас, балки мутахассислар томонидан берилиб, ўқувчиларнинг бу борадаги билимлари синовдан ўтказилди. Бундан ташқари, тадбир давомида "Энг яхши ҳуқуқ билимдони" аниқланиб, у ташкилотчиларнинг эсдалик совға ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, шаҳар ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича масъуллари, маҳалла фаоллари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимлиги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, "Қамолот" ЕИХ, Халқ таълими бошқармаси, қолаверса, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг масъул вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Иномжон АБДИЕВ, "Hurriyat" мухбири.

ДАВЛАТ АРХИВИДА ЖАМҒАРМА

Сурхондарё вилоят Давлат архивининг Бойсун тумани бўлимида Ўзбекистонда хизмат қилган маданият ходими, журналист Очил Ҳардавнинг шахсий жамғармаси ташкил этилди.

Ундан ижодкорнинг 1941-2008 йиллардаги қарий 68 йиллик фаолияти давомида берилган шахсий ҳужжатлари, муҳбирлик, туман кенгашига депутатлик, жамоат ташкилотлариға аъзолик, қолаверса, давлатимиз томонидан тақдим этилган бир қанча мукофотлар гувоҳномалари каби ҳужжатларнинг асл нусхалари жой олган.

Бундан ташқари, устоз журналистининг қаламига мансуб "Бойсун тумани газетасининг 50 йиллиги", "Муस्ताқиллик йилида", "Умр фасллари" китобларини ҳам айни шу жамғармадан топиш мумкин. Ўқувчиларнинг бу ерда туман газетасида ўттиз йил давомида муҳаррирлик қилган ва ижодкорнинг маҳаллий ва марказий нашрларда эълон қилинган мақолалар тўплами билан ҳам танишиш имкониятлари бор.

Муҳаммади АБДУЛЛАЕВ

Оромгоҳдаги дилхираликлар

Косонсой — мамлакатимизнинг энг сўлим, табиати мусоффо ва ҳушманзара масканларидан бири ҳисобланади. Тумanning бир тарафи Наманган вилоятининг насттекисликларидан бошланиб, қўшни Қирғизистоннинг Чотқол товлариғача, яна бир томони эса Помирғача бориб тақалади.

"Косонсой" санаторийси ҳам шу номли дарё бўйида жойлашган бўлиб, 250 нафар дам олувчини ўз бағрига сиғдира олади. Ушбу масканнинг ҳавоси шунчалар тоза, мусоффоки, инсон бу ерга келиши билан ўзида энгиллик сезади. 720 метр ер қаъридан отилиб чиқадиган шифобахш сув ҳам дардманларга дардсиз ҳаёт ваъда қилади. Унинг таркибида маъданлар бисёр, шифобахш сув инсон организм учун ниҳоятда фойдали, меъдани яхшилайди. Таянч аъзоларидаги оғриқларни йўқотади, қанд касаллигининг пасайишиға олиб келади. Хуллас, "Косонсой" санаторийси ўзининг шифобахшлиги билан жаҳондаги бу турдаги сихаттоҳлар билан бемалол рақобатлашадиган даражада.

Лекин минг афсуски, ана шу имкониятлар бу ерга шифо истаб келаётганлар учун энгилликлар яратиб бераётгани, уларнинг дам олиб, даволаниб кетишлари учун ишга солинаётгани йўқ. Бунга асосий сабаб санаторий акцияларининг асосий қисми эҳтимол тиббиётга мутлақо алоқаси йўқ кишилар қўлиға ўтиб қолганидандир? Айтишларича, акциядорлардан бири илгарти турли куриллиларда хизмат қилган Абдулла Қаландаров деган киши экан. У давлат мулки хусусийлаштиришга бошланган, аввал бир курилли ташкилотига эгалик қилади, кейин "Косонсой" санаторийси акцияларининг асосий қисмини сотиб олади. Санаторий масъулиятини чекланган жамиятга айлантирилган, бош врач Нўмонхон Мўйдинов санаторий директори бўлиб тайинланади. Аммо директор молиявий ишларга аралашмас, санаторийға дам олиш, даволаниш учун келаётган кишиларни жойлаштира олмас экан.

Қизик, бу ишларнинг ҳаммаси жанoб Қаландаровнинг измида экан.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси қрошида курортлар бошқармаси томонидан тарқатилаётган йўлнамалар билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан "Косонсой" санаторийсининг довлругини эшитиб келаётганларга бир-икки кун Абдулла Қаландаров томонидан курилган хусусий меҳмонхоналарда яшаб туриш тавсия этилади. Шубҳасизки, меҳмонхонада яшаш йўллама нарҳига кирмайди. Бунинг учун алоҳида пул тўланади.

Қабулхонада сизға ҳозирча санаторийда жой йўқлигини, бир-икки кун меҳмонхонада яшаб туришға тўғри келишини шундай мулоимлик билан тушунтиришадик, бунга лақа тушасиз, меҳрингиз товланиб, қўчада қoлиб кетмаганингизға шукрлар айтасиз. Йил-ўн икки ой меҳмонхона гавжум. Санаторий йўлнамасига термулиб, жойлашишни кутаётганлар анчагина. Ушбу сатрлар мурий ақлифининг бошиға ҳам шу савдолар тушди. Қарийб минг километр масофани босиб, шифо топиш орзусидир? Айтишларича, қабулхонада кун бўйи қолиб кетдим. Ноилоҳ Тошкентга, йўллама олган ташкилотта телефон қилдим. Ростини айтсам, ноилоҳ таниш-билишларни ишға солиб кечга яқин зўрға жўйлашдим. Ана шундай кезларда, дам олгани келиб, дамнингиз чикиб кетиши ҳеч гап эмас экан.

Йўллама билан келаётганлар кўпинча яшаш жойидан санаторий-курорт карта олиб келишға эътибор беришмайди. Лекин ана шу бир парчагина, муқим яшайдиган жойингиздаги кишлоқ врачлик пунктидан бериладиган тиббий маълумотномани олиб бормаганлар қабулхонанинг ўзидаёқ 8,5 (сақки ярим) минг сўм тўлашға мажбур этилади.

Ҳамма санаторийларда ҳам умумий уқалаш (массаж) муолажалари пулли. Лекин бу ерда бошқа жойдан фарқли ўларoқ минерал сув билан ванна қабул қилиш, бассейнда қўмилиш ва тиббий хизматларға ҳам пул тўламасангиз, сизни ичкариға ҳам қўйишмаскан. Дейлик, сув ости муолажасини олиш учун 1,5 минг сўм тўлаб ваннаға тушдингиз, ҳамши-

рўйхати осиб қўйилган. Ана шу рўйхатда сиз яшаётган хонада ҳам чойнак, пиёла, тарелка, стул борлиги аниқтиник ёзилган. Аммо уларнинг изини ҳам тополмайсиз. Ётоқхона бекаси Л.Абдуҳомидова бизға чойнак-пиёла, стул олиб беришға ваъда қилди. Лекин иложини топполмади. Хонанинг ювиниши жойига кириш учун акробат бўлиш керак, боиси сув оқиб ётганидан ваннахона кўлга айланган. Ундан чапдастлик билан сакраб ўтма-

овқатға бақлажон қовуриб қўйибдими, демак, беҳиз эмас, фойдали бўлса керак деган фикр ўтади.

Ошхонада дастурхонаға қўйилаётган овқатлар ниҳоятда сифатсиз. Дам олувчиларнинг биронтаси ҳам берилаётган таомларнинг қанча калориға эга эканилигини текшириб кўрмайдик, албатта. Лекин инсон организм овқатларнинг сифатсизлигини билдириб туради. Яхшиямки, санаторий ҳудудида бир неча қабобхоналар, чойхоналар кеча-кундуз ишлаб туради. Дам олувчиларнинг асосий қисми ошхонадан чиқибoқ, ўзини ана шу жойларға уради. Акс ҳолда бир неча кун ичида одам қувватсизланиб қолиши ҳеч гап эмас-да.

Биз ҳам ноилоҳликдан хусусий ошхоналарга деярли ҳар кун киришға мажбур бўлдик.

Сихаттоҳда бу ерга келаётганлардан кўпроқ пул шилиб олишға берилиб кетилган шекилли, ҳеч ким дам олувчиларни бадан тарбияға ундамайди. Ҳамма тартибсиз равишда тонг саҳардан қирларға чиқиб кетади, дарё соҳилиға тушиб, тўлқинларига термулиб ўтиришади.

Жорий йил август ойининг 17-кунини Наманган шаҳрида аънавий "Гуллар байрами" бўлиб ўтди. Сихаттоҳ маъмурияти ана шу байрамга дам олувчиларни бошлаб борса савобли иш бўларди. Бирок бу ерда маданий тадбирлар ўтишиға ҳам эътибор йўқ экан. Бир вақтлар курилган ўйин майдончасининг асфальти ярмиғача ўйилиб кетган, ярмини эса ажриқ қоплаб ётипти. Деярли ҳар кун мақшуур санъаткорларнинг овози ёзилган дискни айлантиришдан нариға ўтишмайди. Яхшиямки, икки нафар маҳаллий ашулачи ҳафтасиға 2-3 кун дам олувчиларға қўшиқ айтиб, шуусиз ҳам бу ердаги шароит ва мунособатлардан эзилб турган кишиларға ҳазинлик бағишлаб кетишди.

Сихаттоҳ қутубхонасидаги газета тахламларига охириги газета 27 июнда, яъни икки ой олдин тикилганиниги билиб олмасиз. Уч-тўрт йил



ра дарҳол қумсоатни ишға тушириб юборади. Қумсоат қурмағур нақ уч минут ўтар ўтмас қумларни ўтказиб бўлади. Кейин чалқанча ёта-сиз. Яна уч минут шифобахш сув ости "массаж"дан роҳатланасиз. Жами олти минут ўтади. Баданингизға сув пуркаш тўхтатилади. Олти минутта 1,5 минг сўмини қўлингизга термулиб турган ҳамшираға санаб берасиз. Шунингдек, қанд касаллигиға текшириш икки минг сўм, тишини даволаш олти минг сўмгача...

Бу ерда фақат маъданли сув ичиш ва табиатнинг оромбахш ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш теккин, экан, холос. Аммо 14 кун даволаниш учун нақд 202 минг 800 сўм тўлаганингизни ҳисобласангиз, бу пул шунинг учун тўланса керак, ҳойнаҳой дейсиз. Ҳа, яна овқат ва турар жой пулини ҳам бунга қўйиш керак.

Бирoқ... афсуски, санаторий асосий биносининг кўпинча хоналарида дам олувчилар учун мутлақо қулайлик йўқ ҳисоб. Ҳар бир хонаға мавжуд бўлган жиҳозлар

Ўзбек тилининг илк даври

ТААССУРОТ

Маънавият қалб гўзаллиги

Бизни ўз тарихимиздан, менталитетимиздан, бир сўз билан айтганда, маънавиятимиздан маънавият қилишга бир баҳя қолган эди. Бизнинг бор-йўғимиз, аждодларимиз яратган моддий ва маънавий бойлигимиздан баҳраманд бўлишимиз бутунлай таъқил қўйилган эди.

Ана шундай қора кунларда ўз маънавиятимизни халқимиз руҳига сингдиришга ҳаракат қилган миллий қаҳрамонларимиз Усмон Носир, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ва бошқа бир қанча миллат фидойилари жон олиб жон беришди.

Шукрлар бўлсинким, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг халқимиз онгида маънавий дунёкарашнинг шакллантириши, ҳар бир фуқаронинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига, аввало тилимиз, динимиз ва йимон-этикодимизни мустаҳкамлашимизни мақсад қилдик. Бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида маънавиятни англаш, уни тушуниш тўғрисида шундай дейилади: "...маънавият инсонни руҳан поклаши, қалбани уйғонишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёсини, иродасини бақувват, йимон-этикодини бутун қиладиган, виждонни уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак менимча, тарихимиз ва бугунги маънавий ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳолатни яққол ифода этган бўламиз".

Дарҳақиқат, маънавият инсон учун энг зарур фазилат ҳисобланади. Маънавиятли киши энгилмайди, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз этикоидан қайтмайди. Ватанига, халқига чинакамига хизмат қилади. "Юксак маънавият — энгилмас куч" китоби биз учун нафақат ижтимоий соҳада, балки кундалик ҳаётимизда ҳам энг зарур бўлган қўлланма ҳисобланади.

Дилмурод ЖОЗИЛОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси.

Шўро мафқураси таъсирида тилшунос олимлар Ф. Абдураҳмонов ва Ш. Шукуровлар "Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси" (1973 йил) китобида ўзбек тили тарихини куйидагича даврлаштиришга мажбур бўлган эди:

1. **Энг қадимги туркий тил (VII асргача бўлган давр);**
2. **Қадимги туркий тил (VII асрдан XI асргача);**
3. **Эски туркий тил (XI асрдан XIII асргача);**
4. **Эски ўзбек адабий тили (XIV асрдан XIX асргача);**
5. **Янги ўзбек адабий тили (XIX асрдан XX асрнинг бошларигача);**
6. **Ҳозирги ўзбек тили.**

Мустақиллик ўтмиш ёдгорликларимизни ҳаққоний ўрганиш, шўро мафқураси таъсирида ёзилган баъзи илмий ишларимизни қайтадан ўрганиб чиқиш, авваллари ёза олмаган, айта олмаган фикрларни айтиш имкониятини берган бўлса-да, ҳамон баъзи ҳолларда ўзбек тили тарихига эскича ёндошиш кузатилади. Чунончи, тилшунос олим Қ.Содиқовнинг "Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши" (2006 йил) китобида ўзбек тили тарихи деярли юқоридагидек даврлаштирилган:

1. **Энг қадимги туркий тил (қадимги даврлардан**

мелоднинг V асрларига қадар)

2. **Қадимги туркий адабий тил (XI асрдан XIV юз йилликнинг бошларига қадар)**

3. **Эски туркий адабий тил (XI асрдан XIV юз йилликнинг бошларига қадар)**


4. **Эски ўзбек адабий тили (XIV асрдан XIX асрнинг бошларига қадар)**

5. **Ҳозирги ўзбек адабий тили.**

Ушбу даврлаштиришга эътибор берилса, (бу ахборотда тилимизнинг дастлабки уч босқичи ҳақида фикр юритамиз) ўзбек тили XIV асрдан кейин шакллланган бўлиб чиқади. Савол туғилади. Хўш, XII- XIII асрларга оид Самарқандда Аҳмад Югнакий томонидан ёзилган "Ҳиббатул ҳақойиқ", хоразмлик Маҳмуд Замаҳшарийнинг ўн икки минг сўз ва бирикмани ўз ичига олган "Муқаддиматул адаб", Фитрат домла қайд этган "Або Муслим" (мелодий 1155) халқ китоби, "Қиссаси Рабғузий" қайси тилда ёзилган?! Ахир, улар ўзбек тилининг ноёб дурдоналаридир! Бу нодир асарлар қадимги Турон худуди — Самарқанд, Хоразмда битилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек халқи бошқа туркий халқлардан қадимги ёзма ёдгорликларга бойлиги билан тубдан ажралиб туради. Улар дунёнинг турли фондларида сақланмоқда. Кейинги йилларда бу ёдгорликлар ёнига тангашунос —

фонетик ҳодисаси), **тутук тарду, элтибар** каби сўзлар ёзилганлигини аниқлашга муваффақ бўлди. Бу сўзлар қадимда бу воҳаларда сўзлашув ўзбек тилида бўлганлигини кўрсатади. Қадимги Шошда ўзбекларнинг ота-боболари яшаган —



нумизматларнинг нодир маълумотлари қўшилди. Тангашуносларнинг кейинги йиллардаги тадқиқотлари ўзбек тилининг илдизи VI — VIII асрларга бориб тақалишини кўрсатмоқда. Қадимшунос Ф.Бобоёров Анкарада 2007 йилда чоп этилган "Қадимги турк хоқонлиги тангалари каталоги"да Чоч, Самарқанд, Фарғона тангаларида **түн(тунғич** сўзининг ўзаги), **туркаш, тегин, қаған, йабғу-жабғу(й-ж**

лиги Шайх Абу Аҳмад Муҳаммад Қозий Шошийнинг "Силсилат ул-орифин" ("Орифлар силсиласи") асарида ҳам қайд қилинган: "364 хижрий йилда вафот қилган Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Қафол Шоший ал-қабир ўз замонасининг машҳур уламоларидан бўлиб, ўзлари туғилган Шош шаҳрида истиқомат қилар эдилар... Шайх (Қафол Шоший) Бағдогда қириб келганларида, туркийлар юртидан Бағдогда

бир забардаст олим келибди, деган хабар тарқалди". Ўзбекча сўзларнинг халқ орасида тўлов вонитаси — мис тангаларда ёзилиши VI—VIII асрларда қадимги Турон худудларида ўзбек тили муомала тили бўлганлигини англатади. Энди кўпдан бери тилшуносларни қизиқтираётган масала XII—XIII асрларда яратилган "Ҳиббатул ҳақойиқ", "Муқаддиматул адаб", Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, "Қиссаси Рабғузий" асарлари тилининг илдизи топилди. Бу асарлар тили VI—VIII асрларда зарб қилинган мис тангаларда акс этган ўзбек тилининг давоми ҳисобланади. Ўз-ўзидан маълумки, юқоридаги ажойиб асарлар куруқ жойда пайдо бўлмаган. Бундай ёдгорликларнинг пайдо бўлиши учун илдизи мустаҳкам ривожланган тил бўлиши лозим эди. Мис тангадаги ёзувлар ана шу тилдан намуналардир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, VI—VIII аср мис тангаларда акс этган ўзбек тилини — **тилимизнинг илк даври** деб аташ мумкин. Чунки бу тил қадимги Турон худудларида умргузаронлик қилган ўзбек халқи ота-боболарининг ти-

лидир. XI — XIII асрларда яратилган Аҳмад Яссавий асарлари, "Ҳиббатул ҳақойиқ", "Муқаддиматул адаб", "Қиссаси Рабғузий", Сулаймон Боқирғоний асарлари тилини **қадимги ўзбек тили** деб аташ тарафдоримиз. Бу даврда битилган ёдгорликлар й-э-д фонетик ҳодисаси (**айак-азак-адак**) билан кейинги давр обидаларидан фарқ қилади. Ўзбек тилининг учинчи даври XIV—XIX асрларни ўз ичига олади. Бу давр тили лингвистик томондан икки жиҳати билан ажралиб туради: 1. "И" лашшш муқим ўрин олди: **айак**; 2. Араб-форс сўзлари кенг ишлатила бошланди. Бу даврда яратилган ёдгорликларда исломий руҳ, сўфиёна ташбехлар, ҳадислардан намуналар, Қуръон оятлари асар маъзига сингдириб юборилган. Уларда ислом сўзсифаси устуворлик қилади. Бу даврни ўзбек тилининг юксалиш даври дейиш мумкин. Биргина Алишер Навоийнинг ўзбек тилини ривожланишига қўшган ҳиссаси сўзимизга исбот бўла олади.

Эргаш УМАРОВ,
профессор.

Миллатимиз ғурури

(Бошланиши 1-бетда.)


Бугун жаҳон бўйлаб миллий тилда яратилган мадҳиямиз янграмоқда. Халқимиз қалбига ўз тилидан фахр-ифтихор ҳисси жўш уриб турибди.

Бир пайтлар "иккинчи она тилимиз" дея улуғланаётган тил эса бугунги ёш авлод томонидан чет тили сифатида ўрганилмоқда. Хайрон қоласан киши: инсон фарзандининг иккита онаси бўлмаганидек, она тили ҳам кўп бўлмайди-да. Она сuti, унинг алласи билан бола юрагига кириб, онгу шуурини эгаллаган тил ягонадир. Шу боис ҳам ҳар бир миллатнинг забони "она тили" дея таърифланади.

Дарҳақиқат, тилга бўлган хурматни, самимий меҳрни унинг она номи билан боғланишида ҳам ҳикмат шу. Зотан, бу икки буюклида битта занжир бор—миллат бутунлиги. Бу бутунлиқни сақлаш йўлидаги яна бир кўмак эса тилшуносликка доир илмий адабиёт-

лардир. Кенг жамоатчилик томонидан осон тушуниладиган содда тилда ёзилган соҳага оид китоблар ҳам халқнинг ўз адабий тилини соф ҳолда сақлаши учун зарур воcита ҳисобланади.

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида беш жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" китобининг тақдироти бўлиб ўтди. Олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигида яратилган ушбу луғат ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, санъат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланиладиган сўзларни, баъзи тарихий терминларни ўз ичига олган. Сўз ва сўз бирикмаларини изоҳлашда ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган далилларга таянилган. Уни тилимиз ривожидан муҳим ютуқлар сирасига киритиш мумкин. Айтиш лозимки, бу каби китоблар ўзбек тилининг софлиги




ва тараққиёти учун хизмат қилиши шубҳасиз. Зотан, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган онаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир".

Гўзал САТТОВА

Давлат тили ҳақида

Таниқли олим Нусратулла Жумаҳўжанинг навбатдаги рисоласи "Давлат тили ҳақида" деб аталади.

Китобнинг шу мавзу доирасидаги бошқа тўпламлардан фарқли жиҳати унда олим давлатимиз ва миллатимиз рамзи бўлган ўзбек тили ҳақидаги жами қонун ва қарорларни жамлангандир. Ушбу ўқув қўлланма аввалидаги "Давлат тилининг ҳуқуқий, назарий ва амалий муаммолари" номли сўзбоши-мақола нихоятда қуночлик билан ёзилган. Рисоланинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унда ҳамма ҳукумат қарорлари лотин ва кирилл ёзуви-



да берилган. Бу китоб кишиларнинг у ёки бу қарорни кутубхоналарга бориб, газета таҳламларида кидириш учун кетадиган вақтини аяшга қўмақлашади. Гарчи муаллиф камтарлик билан ушбу рисола олий ўқув юрти талабалари, лицей ва коллеж ўқувчиларига мўлжалланган деб ёзса-да, у ҳамма маърифат тарқатувчилар, учун зарур қўлланмадир. Зеро, тилшунослигимиз учун

айни шундай рисолага зарурат бор эди.

Фарида ҚУРБОНОВА

ЖАВОБ

Мақоладаги вазжлар тасдиқланди

"Hurriyat" газетасининг 2008 йил 17 сентябрь сонидаги "Марҳум ... имзо чекади" деб номланган мақола эълон қилинган бўлиб, у Булунгур тумани О.Шоҳмуродов кўчаси 10-а уйда яшаган марҳум Қ.Рауповга тегишли бўлган автомашина Фаллаорол туман давлат нотариал идорасининг нотариуси Р.Абдиев томонидан қонун талабларига эид равишда расмийлаштирилганлиги тўғрисида эди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг топшириғига асосан мақолада кўрсатилган ҳолатларни текшириш ва нотариус Р.Абдиев ҳаракатларининг қонунийлиги юзасидан текширув ўтказиш ҳақида Жиззах вилоят Адлия бошқармасига топшириқ хати юборилганди. Бошқарма томонидан хизмат текшируви жараёнида мақолада келтирилган вазжлар ўз тасдиғини топган.

Нотариус Р.Абдиев томонидан 2006 йил 19 ноябрь куни вафот этган Қ.Рауповга тегишли бўлган автомашинанинг олди-сотди шартномаси 2006 йил 22 ноябрда реестрда 796-рақами билан қайд қилиниб, расмийлаштирилган. Шартномада сотувчи Қ.Раупов номидан унинг амакиси М.Раупов олди-сотди шартномаси билан боғлиқ тегишли ҳужжатларга кўл қўйган.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг 2008 йил 20 августдаги ҳал қилув қарорига асосан нотариус Р.Абдиев томонидан 2006 йил 22 ноябрь куни реестрда 796-рақами билан қайд қилинган нотариал ҳаракат ҳақиқий эмас деб топилган ҳамда нотариусга нисбатан хусусий ажрим чиқарилган. Нотариус Р.Абдиев ҳаракатларига нисбатан ўтказилган хизмат текшируви хулосаси бошқарма қошидаги нотариал бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 29 сентябрдаги мажлисида муҳокама қилиниб, Р.Абдиевнинг нотариал фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 6 ой мuddати тўхтатилган.

С.ХОЛБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг уринбосари.

Илқоният яратамиз

Халқаро пул ўтказмалари

Хизматлар лицензияланган

WWW.IPOTEKABANK.UZ

Самарқанд боғотлари тикланса...

Қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқандни рўйи замин сайқали деб бежиз айтишмаган. Зеро, бу макон тарихи гоаят улуг, бу муқаддас тупроқдан не-не буюк зотлар етишиб чиқмаган. Утмишда қанчадан-қанча босқинчилар бу юртва куз тикмаган, ҳужум қилмаган дейсиз. Аммо асрлар силсиласида Самарқанд ўзлигини йўқотмади, Самарқанд халқи эса шу муқаррам она ер эъзозини баланд тутди.

Мустақиллик йилларида шу муқаддас ғўша янада чирой очди, обод бўлди. Айниқса, бу ердаги тарихий обидалар, бетакрор қадимий ансамбллар кўрқига кўрк кўшилди. Юртбошимизнинг тамхўрликларида айтилиб, бугунги Регистонни, шу жумладан, Самарқанд шаҳрини таниб бўлмайдим. Утан йили шаҳарнинг 2750 йиллиги кенг нишонланди. Оламни ҳайратга солди. Бежиз бу кентга ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб сайёҳлар келиб, ҳаяжонларини яшира оlishмайди. Кўйидаги мақола эса тахририятимизга муштариий томонидан йўланган қадим ғўша боғ-роғларининг ўтмиши ва келажакига оид шахсий мулоҳазалардир.

Самарқанд туманини Самарқанд шаҳрининг яшил халқаси деб атайдилар. Илгари халқ тилида эса оддийгина қилиб боғот ҳам дейишган. Бу иборани эндиликда фақат катта ёшдаги айрим кишилар билишади, холос.

Боғот деганда шаҳар атрофини ўраб олган боғ-роғлар назарда тутилган. Бу ерда яшаган маҳаллий аҳоли этник, миллий ва маданий жиҳатдан шаҳар халқидан фарқ қилмаган. Самарқанд боғоти қадимги сугд давридан бошлаб ўтган асрнинг 1950-1960 йилларигача деярли ўзгармасдан мавжуд бўлган. Самарқандда еттинчи асрда меҳмон бўлган хитойлик сайёх Сюань Цзянь кундалигида "Самарқандда ер жуда ҳосилдор бўлиб, унда турли полиз экинлари, мевали дарахт ва кўчатлар экилган" деган битиклар бор. Араб жуғрофияшунос олими Истархий (X аср) юртимиз табиатига мафтун бўлиб, "Самарқанд Сўғди Аллох яратган юртлининг энг ҳосилдоридир, унда энг яхши мевали дарахтлар бор", деб ёзганди.

Улуг аждодларимиздан Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг машҳур "Бобурнома"сида "Дунёнинг инсон яшайдиган қисмида Самарқанд каби шаҳар йўқдур, у бешинчи иқлимга мансубдур. Унда узум, олма, анор ва бошқа мевалар бисёр. Лекин энг яхшиси себи Самарқанд (олма) ва соҳиби

Самарқанд (узум нави)" деб ёзганди. Шунингдек, шаҳар атрофидаги Амир Темур қурдирган боғлар ҳақида ҳам маълумот берган.



Хўш, боғотлар қандай кўринишда бўлган? Улардаги манзара қишлоқдаги далаларга ўхшамаган, мевали, манзарали дарахтларнинг кўплиги билан фарқ қилган. У нимаси биландир тоғ олди мавзеларига ўхшаб кетган. Сўлим боғу роғлар орасидан илон изидай Оби Раҳмат, Сибб каби сойлар, Шавдор, Шаҳар ариғи, Оби-машҳад каби ариқлар оққан. Ушбу ариқ ва сойларда кўпдан-кўп тегиримонлар, обжовулар, баланд жойларга сув чиқариш учун эса чархпалаклар бўлган.

Боғотларда ўрик, олма, шафтоли, олхўри, анор, анжир, узум, тут, шотут, нок, беҳи, дулана, кўксултон, хурмо, ёнғок каби мевали ҳамда чинор, тол, терак, қайра-

гоч, савр каби манзарали дарахтлар бўлган.

Кизиғи шундаки, боғотлар шаҳарга яқинлигига қарамаздан ерлар фақат экин майдонидан

иборат бўлмаган. Унда жарликлар, тепаликлар, сойлар, булоқлар, тўқайзорлар ва роғлар мавжуд бўлган. У ерда ёввойи олма, дулана, ёнғок, жийда каби дарахтлар ўсган. Тулки, чиябўри, бўрсик, жайра ва ҳатто кундуз сингари ҳайвонлар, тустовуқ, ўрдак, лайлак, кўқарга каби қушлар яшаган. Ариқ ва кўлларда эса балиқлар кўп бўлган.

Боғотларда шаҳарликларнинг дала кўрғонлари (дачалар) бўлган. Ушбу кўрғонлар баланд пахса деворлар билан ўралган, тўрт бурчагида минорасимон бурчлари бўлган. Айниқса, кўрғонларнинг катта ўймакор дарвозалари ўзининг бежиримлиги, нақшинкорлиги билан ажралиб

эгасига қарашли бўлган. Ҳар бир кўрғон яқка ҳолда бўлиб, уларнинг ораси тахминан 100 метрларни ташкил этган. Кўм-кўк боғу роғлар орасида кўрғонлар ажойиб манзара касб этган.

турган. Деворларига ҳам турли ўймакор нақшлар солинган. Улар нимаси биландир шаҳардаги тарихий обидаларга, яна қайси бир жиҳати билан ўрта аср қалъаларига ўхшаб кетган. Кўрғонлар ичида турар жойлар, тандирхона, ошхона, кудуқ бўлган. Ҳовли эгаси бирор бир унор билан шуғулланса, албатта дўкон ҳам қурдирган. Кўрғон ичида ўрик, тут ва ток каби дарахтлар ўтқазилган. Райхон, гулхайри каби гуллар экилган. Кўрғон тахминан 10-15 хол ерни эгаллаган ва теваарида баланд дарахтлар буй чўзиб турган. Очик майдонига эса бугдой, арпа ва беда каби экинлар экилган. Булар кўпинча кўрғон

лар ҳам бўлган. Ҳозир ҳам шаҳар атрофида Боғи Тилло, Боғи Баланд, Боғи Майдон каби қишлоқ ва маҳаллалар ҳамда Боғи Шамол каби кўчалар бор.

Хўш, бугунги кунда боғотларнинг тақдирини нима бўлди? Аҳоли сонининг ўсиши, кўпгина саноат корхоналарининг қурилиши натижасида Самарқанд шаҳри худуди кенга я бошлади. Ҳозир Боғишамол, Микрорайон, Сўғдиёна ва бошқа жойларда яқингача боғу роғлар бўлганига ишониб қийин. Чунки собиқ иттифоқ даврида боғотларни асл ҳолида сақлаб қолиш учун ҳеч ким бош қотирмади.

Самарқанд шаҳри ЮНЕСКО томонидан

256 минг сўм терим пулини шу йўсинда ўзлаштириб, талон-торож қилган. Уз навбатига талабалар ва уларнинг ўқитувчилари ҳақларини сўраб, бу икки кимсага бир неча марта мурожаат қилишади. Аммо тайинли жавоб бўлмади. Одамларга қуруқ ваъда беришда тажриба тўплаган икковлон эса турли баҳоналар билан алдовни давом эттириверишади.

Алижон Турдиев фермер хўжалиги ердамга келган педагогика коллежининг 90 нафар талабаси томонидан тер тўкиб терилган 6 минг килограмдан ортиқ пахта учун ҳисобланган 386 минг сўмдан зиёд пулни банкдан олиб, уни ҳақдорларга тарқатиш ўрнига ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган бўлса, Иброҳим Раҳмонов эса мазкур коллежининг 250 нафар талабаларининг

қадимги шаҳарлар рўй-хатиға киритилган. Шу боис "Самарқанд боғотлари" миллий тарихий ва табиий қўриқхонаси ташкил этилса кўп эзгу иш бўларди. Бунинг учун Амир Темурнинг қайта тикланган боғларига босқичма-босқич ўзгартиришлар киритиб берилса айти мудоао бўларди.

Бу ерда Наврўз, қовун сайли, миллий услубда ўтказиладиган тўйлар, кўпқари ва бошқа аънавий маросимлар кўнгилдагидек ўтади. Энг муҳими, Самарқанд шаҳри атрофида ҳам сайёҳлар катнови янада ривожланади. Қолаверса, одамлар учун ажойиб дам олиш боғу бўстони вужудга келади.

Зомин тумани худудида жами 99 та фермер хўжаликларидан 114 донна артезиан кудуқлари мавжуд. Вилоят Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан берилган "Сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаси"да фермер хўжаликларига томорқа ва боғ экинларини сугоришга рухсат берилмаган бўлса-да, улар томорқа ва боғларини, экинларини сугормоқда. Оқибатда ҳар бир артезиан кудуқларидан ўртача 15-35 минг м³ сув, яъни белгиланган нормадан 3-7 баробар кўп ер ости ичимлик суви ишлатишмоқда. Масалан, тумандаги "Омон сўфи", "Баҳриддин тут", "Боборух" каби фермер хўжаликларидан сугорилаётган ерлар туман қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш режасига киритилмаган. Аммо фермерлар томонидан артезиан кудуқларидан олинаётган сувлар томорқа ва бошқа экинларни экишга сарфланмоқда.

Қолаверса, туманда 16 артезиан кудуқлари ҳисобда йўқ, яъни рўйхатдан ўтмаган. Натижада фермер хўжаликларини муҳофаза қилишга сўтқасига ўртача 250-300 литр секундига сув яширин тарзда ишлатилмоқда. Туман бўйича эса ўртача микдорда секундига 1,5-2 кубометр ичимликбоп ерости сувлари томорқа ва бошқа экинларни сугоришга сарфланмоқда...

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида айтиб ўтиш жоиз, Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 49 та фермер хўжаликларидан артезиан кудуқлар рўйхатга олинмаган бўлса, артезиан кудуқларидан фойдаланаётган 34 та фермер хўжаликларини билан электр энергиясидан фойдаланиш тўғрисида шартнома ҳам тузилмаган...

С. УЛУГМУРADOV
"Дўстлик ҳаёти" (Жиззах).

Электр энергиясиз бир-икки кун яшаш мумкин, аммо ҳафталаб уйингизда "савт" бўлмаса, аҳвол чатоқ экан. Биз томонларда ўтган бир ҳафта мобайнида электр энергияси ўзилиб қолиб кўнгли ҳам, чўнтак ҳам тоза азият чеқди-да. Чўнтак нега қийналди, дейсизми? Ҳа, энди ҳар кун бир-иккитадан шам ёқиб тугатганимиздан кейин чўнтак касод бўлмай, бозор касод бўлсинми? Шу кунлари савдогарларнинг кўли-кўлига тегмай савдо қилишди-да ўзимиз.

Кизиғи, айти электр токи йўқ кунлари шахримиз бозорлари ва савдо рас-таларида бир донна шам 700 сўмдан 1000 сўмгача сотилди. Ваҳоланки, шу вақтгача шамнинг нархи ҳажмига қараб, 350 сўмдан 700 сўмгача сотилаётган эди.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин иш юзасидан шахримизнинг бошқа худудидан бўлдим. У ерда биз 700 сўм-

АЛДАГАНИ ҲАШАРЧИЛАР ЯХШИМИ?

Тўрақўрғон туманидаги "Машрик юлдузи" фермер хўжалиги раҳбари Алижон Турдиев ва "Жакбарали Раҳмонов" фермер хўжалиги бошлиғи Иброҳим Раҳмоновлар ўзгаларнинг ҳақиға хиёнат қилиб, чўнтагини қаппайтиришни ўйлайдиган одамлар тоифасидан экан. Нима учун бундай ҳулоса чиқаришимизнинг сабабини эса куйидаги мисоллар исботлайди.

Алижон Турдиев фермер хўжалиги ердамга келган педагогика коллежининг 90 нафар талабаси томонидан тер тўкиб терилган 6 минг килограмдан ортиқ пахта учун ҳисобланган 386 минг сўмдан зиёд пулни банкдан олиб, уни ҳақдорларга тарқатиш ўрнига ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган бўлса, Иброҳим Раҳмонов эса мазкур коллежининг 250 нафар талабаларининг

РУХСАТ БЕРИЛМАГАН БЎЛСА-ДА...

Қолаверса, туманда 16 артезиан кудуқлари ҳисобда йўқ, яъни рўйхатдан ўтмаган. Натижада фермер хўжаликларини муҳофаза қилишга сўтқасига ўртача 250-300 литр секундига сув яширин тарзда ишлатилмоқда. Туман бўйича эса ўртача микдорда секундига 1,5-2 кубометр ичимликбоп ерости сувлари томорқа ва бошқа экинларни сугоришга сарфланмоқда...

Узбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг моддий ва ахборот қўмағида тайёрланди. Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

Рустам ВАФOЕВ

ФЕЛЕТОН ЎРНИДА

Мен қандай қилиб уй сотдим?



Мен ўзим иштирокчиси бўлган бир воқеани айтиб берсам, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Бироз маблағ зарур бўлгани учун уч хонали уйимни сотиб, икки хонали уй олмақчи бўлдим. Шу йилнинг август ойида бюрократларнинг бар-маймами. Сабаби аниқ: ҳар биримиз ҳам юракни ҳовучлаб гўл этиб қулашдан кўркамиз. Ке, кўй, беш-ўн сўм бериб ишимни тўғирлаб олақолай, деймиз. Бюрократларга шу керак. Шунинг учун ҳам улар одамларни сарсон-саргардон қилишнинг янги-янги усуллари ва йўлларини кашф қиладилар.

да, менга юзланиб дабдуруст-дан: — Э, амаки иш чатоқ-ку, сизнинг уйингизни сотиш бутунлай таққиланган! — деса бўладими?! Шу пайт аёллардан бири: — Вой шўрим, дадаси кимга ишондингиз, ҳозирроқ пулни қайтариб олинг, — деди ранги оқариб ва диванга ёнбошлади. — Нега? — дедим мен юрак дори ютиб. — Билмайман, менга компьютер кўрсатиб турибди! — жавоб қилди нотариус йигит. — Ким билди?! — Таққилни пойтахтимиздаги 1-нотариал идора берибди, ўшалар билди.

Хаммамиз кўчага чиқдик. Яққасарой туманидаги 1-нотариал идорага бориш учун такси тўхтаган эдим, мен уй сотган одам: — Пулни ташлаб кетинг! — деди. — Кўрқманг, ҳозир келаман, — деб уларга уйга тааллуқли хужжатларимни қолдирдим. Машинага минаётганимда аёл кишининг зардали овози эшитилди: — Журналист эмас, гирт товламачига ўхшайди-я! Биринчи нотариал идорага ҳаяжон билан кириб бордим. Йўлақда турган одам менга бир хонани кўрсатди. Кирсам бир йигит билан бир қиз қақчақлашиб ўтирибди.

Паспортиمنى узатар эканман улардан: — Нега менинг уйимни сотиш таққиланган? — деб сўрадим. — Узингизни босинг, амаки, ҳозир аниқлаймиз, — деди йигит. У беш-олти дақиқада барча рўйхатларни қараб чиқиб жавоб қилди: — Таққил қўйилган сиз эмас, бошқа Норматов экан. — Худого шукр, — дедим энгил нафас олиб, — энди сотаверсам бўладими?! — Э, йўқ, барибир бошлигимиз рухсат берса сотасиз. — Нега? — Бизда тартиб шундай: агар битта Норматов деган одамга таққил берилса, шаҳардаги барча Норматовлар келиб ариза ёзиб, рухсатнома олишади, — деди у. — Агар уллар шаҳарда мингта бўлса-чи? — Миллионта бўлса ҳам келишади. — Ахир, ўша таққил қўйилган одамнинг фамилиясидан ташқари исми, отасининг исми, яшаш жойи, туғилган йили, паспорт маълумотлари қайд қилинмайдими? — сўрадим. — Йўқ, шаҳар бўйича фақат фамилиянинг ўзи тарқатилади. Е, товба! Бундай пайтда ҳайратдан эсангиз қотади. Ахир, бу қандай савдо бўлди?

Минглаб одамларни сарсон-саргардон қилиш учун нималарни ўйлаб топшимайди дейсиз-а!.. Яққасарой туманидаги 1-нотариал идора бошлиғига қиришининг ўзи бўлмади. Навбатда турганлар сон-саноксиз эди. Сўраб-суриштирсам менинг аҳволимга тушганда кўп экан. Кўзига ёш олиб ҳар кимга бир термулаётган кампирлар ҳам, ҳассасини ушлаб ўтирган чоллар ҳам бор. Бугун навбат тегиши қийин. Шу пайт ҳайдовчим билан ўғлим келиб: уйни олаётганлар сизнинг пулимизни олиб қочиб кетди, милиция қақирамиз деб безовта бўлишяпти, дейишди. Чидаб туролмай навбатда турганлардан уэр сўраб бошлиққа навбатсиз кирдим. — Чикинг, чикинг деяпман! — деди у ваҳожат билан. Хонадан чиқдим. У ўрта ёшлардаги сержаҳл одам экан. Бироздан кейин таваққал қилиб яна кирдим. — Нима керак ўзи сизга?! — деди ўқрайиб. Ҳатто "ўтиринг" ҳам демади. Саломлашмади ҳам. — Нега энди қандайдир битта Эшматов учун мингта Эшматов сарсон-саргардон бўлиши керак. Масалан, мен қандайдир Норматов учун аозобланиб юрибман, қабулхонада навбат кутиб ўтирганлар ҳам шундай аҳволда? — дедим унга.

— Бизда тартиб шундай, биз қонун бўйича ишлаймиз — деди у. — Қонунда битта одам учун мингта фамилиядош одамларни сарсон қилинлар, дейилганми? У жавоб бериш ўрнига талмовсвиради: — Биз қонунга биноан иш-шаймиз, тамом-вассалом. — Ахир, бу қонунбузарлик-ку!.. — Гапни чўзмай ариза ёзинг, қўл қўйиб бераман, — деди у. Бошлиқ ҳузурдан чиқиб, уйимни сотиб олган одамларнинг олдиға борсам, мен уйини сотиб олаётган аёл диванда беҳиш ётибди, атрофида эри-ю болалари нима қилиши билмай ҳайрон. — Бироздан уч минг доллар қарздор бўлиб самолётга чипта олиб қўйгандик. Уй сотилмай қолса, энди буюғи нима бўлади деб ўйлайвериб юрак ҳуружи тунтиб қолди, — дейишди уллар. — Энимда юрак дорисидан бир неча хили бор эди. Сув сешиб, аёлни хушиға келтириб, дори ичирдик. Унинг кўз олдида эри ва болаларига уйининг пулини санаб бердим. Айтишларича, шундан кейин ўзим ҳам хушимдан кетибман. Дори бериб сув ичиришибди. Нотариал идора ходимлари бунинг гувоҳи бўлишибди. Энди ҳақ-ҳуққини ҳимоя қила оладиган эибли одам шундай аҳволга тушганидан кейин бошқаларнинг аҳволини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Ишончимиз қомил, Адлия вазирилик ва сансалорликка бифарқ муносабатда бўлмайди. **Иброҳим НОРМАТОВ,** журналист.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ФАОЛИЯТ

Халқ ишончига сазовор банк

Мамлакат ривож, юрт фаровонлиги, аҳоли яшаш тарзининг юксаклиги ўша давлатнинг иқтисодий пойдевори бакуватлиги билан ҳам изоҳланади. Ва айнан шу нарса унинг кудратини, салоҳиятини белгилаб беради ҳамда жаҳонда ўз имкониятларини тўлақонли инамоён этишига замин ҳозирлайди. Бу эса шубҳасиз, ўша юрtdaги молиявий муассасаларнинг ҳалқ билан, шу жумладан, тадбиркорлар билан нечоғли мустаҳкам алоқада эканлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шуниси қувонарлики, кейинги пайтларда республикамизда фаолият олиб бораётган молиявий муассасаларда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси сезиларли даражада ўсди. Бунини нуфузли банкларнинг халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан ҳам эътироф этилаётганидан билса бўлади. Республика Халқ банки ҳам халқ ишончига сазовор бўла олган ана шундай молиявий муассасалар қаторига киради, десак муболага бўлмайди. Шу жумладан, унинг вилоят филиаллари ҳам.

Бугунги кунда Халқ банкнинг Самарқанд вилоят филиаллари ихтиёрида 20 та марказий филиал, 45 та минибанк, 223 та шохбча ва сайёр кассалар, 33 та махсус кассалар мавжуд бўлиб, уларда 1215 нафар ходим хизмат қилиб келмоқда. Ушбу ходимларнинг 295 нафари олий, 797 нафари ўрта махсус ва 123 нафари умумий ўрта маълумотга эга.

Амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, йил бошига нисбатан банк активлари 16902,2 миллион сўмга кўпайиб, 39434,9 миллион сўмни ташкил қилди. Таъкидлаш жоизки, активларнинг 87,8 фоизи даромад келтирувчи, қолган 4784,4 миллион сўми, яъни 12,2 фоизи эса даромад келтирмайдиган активларни ташкил қилади.

Жами банк мажбуриятларининг 37596,4 миллион сўмни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич йил бошига нисбатан 16567,5 миллион сўмга кўпайгани ҳам диққатга сазовор. Банк мажбуриятлари асосан жисмоний шахслар ҳамда ҳуқуқий шахсларнинг банкка жалб қилинган маблағи ҳисобидан ўсишига эришилмоқда. Ушбу кўрсаткичнинг 9534,3 миллион сўмини жисмоний шахсларнинг маблағлари, қолган 28062,1 миллион сўмини эса юридик шахсларнинг маблағларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкнинг 2008 йил мобайнида барқарор фаолият юритиши, унинг рақобатдошлигини ошириш нўқтаи назаридан оптимал ва ҳар тарафлама мувозанатлашган кредит портфелини шакллантириш асосида бир қатор ибратли ишлар олиб борилмоқда.

2008 йил 1 октябрь ҳолатига вилоят бўйича жами кредит қўйилмалари 30952,9 миллион сўмдан иборат бўлиб, шундан қисқа мuddатли кредитлар 3151,1 миллион сўм, узоқ мuddатли кредитлар 17702,1 миллион сўм, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла этиштириш мақсадида ажратилган кредитлар эса 8773,5 миллион сўми (Факторнинг операциялари 610,9 миллион сўм, Лизинг операциялари учун 715,3 миллион сўми) ташкил қилади.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёزلар бериш борасида Президентимиз фармонлари ва Вазирлар маҳаммасининг қарорлари талабларини бажариш бўйича ҳам бир қатор вазифалар белгилаб олинган ҳамда мақсад йўлидан бир қадам ҳам оғишмай улар бажарилиб келинмоқда.

Банк филиаллари томонидан кредит маблағлари асосан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, савдо воситачилик фаолияти, нефть, дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари билан шуғулланувчи корхоналарни ҳамда дехон-фермер ҳўжаликларини кредитлашга ажратилди. Бу эса вилоятда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишига, ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида меҳнат қилаётган кишилар ва хусусий сектор вакилларининг иқтисодий бойишига муҳим омили бўлиб хизмат қилапти.

Савдо воситачилик (ликвидли товарлар) савдоси учун жами 2886,8 миллион сўм қисқа мuddатли кредитлар ажратилган бўлиб, улар авазига 9 ой давомида 8898,4 миллион сўм нақд пул тушуми банк кассаларига қабул қилинган.

Тизимда қишлоқ ҳўжалиги соҳасига ихтисослашган корхоналарга банк томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш орқали улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, филиаллар томонидан туманларда мавжуд ширкат ҳўжаликларини дехон-фермер ҳўжаликларига айлантириш эвазига 2272 та фермер ҳўжалиги ташкил қилиниб, бу миқдор йил бошига нисбатан 130 тага кўпайишига эришилди. Уларга банк хизматини кўрсатиш мақсадида банк даромадлилигини ошириш, имтиёзли кредитлар ажратиш таъминлаш юзасидан жорий йилда пахта этиштирувчи 1127 нафар фермер ҳўжаликларига банк имтиёзли кредитлаш бўйича шартномалар имзоланди ҳамда уларга Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғарма маблағлари ҳисобидан 2008 йил пахта ҳосили учун 8251 миллион сўм ажратилиб, бугунги кунга қадар 4706 миллион сўм маблағ ундирилди. 2009 йил галла ҳосили учун ҳам 502,2 миллион сўм маблағ ажратилган.

Имтиёзли кредит маблағлари Молия вазирлиги билан Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган агротехнарлар асосида сарфланаётгани ҳам бу борада режалар ва айна пайтда пухта тадбирлар амалга оширилаётганидан далolat беради.

Мазлумки, Халқ банки фаолиятининг асосий вазифаларидан бири юридик ва жисмоний шахсларнинг кредитга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, банкнинг бўш ресурси ҳисобидан кредитлаш ва шунинг ҳисобидан банк даромадини оширишдир. Шу йилнинг 9 ойи давомида нафақа тўловлари учун жами 65091,4 миллион сўм ажратилган бўлиб, молиялашган маблағ тўлиғича нақд пул билан таъминланди.

Нақд пул-маблағларини банкдан ташқари айланлишини қисқартириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида одамларнинг бўш-пул маблағларини омонатларга жалб этишни рағбатлантириш мақсадида Президентимизнинг "Тижорат банкларига аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда тизимга оид бошқа қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, банкда нақд пул тушумини ошириш ва биринчи даражали тўловларни ўз вақтида тўлаш мақсадида Халқ банки Самарқанд вилояти филиали томонидан 9 ой давомида савдо тушуми билан шуғулланувчи ташкилотларни банкка жалб қилиш катта сурияларда давом этирилди. Яъни 51 та улғуржи савдо билан шуғулланувчи ва 2235 та чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга ҳисоб рақамлари очилга эришилди.

Бундан ташқари, улар сафига 68 та дориҳона, 66 та автомобилларга ёниги қўйиш шохбчаларини ҳам қўйиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳаммасининг "Пластик картчалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида банк ходимлари ва миջозларига қўлайликлар яратиш учун жами 7801 донга пластик карточка чиқарилиб, 41 донга терминал белгиланган жойларга ўрнатилди. Шу вақтга қадар терминаллардаги айланма суммаси 2924,3 миллион сўмни ташкил қилди, шундан савдо ташкилотларининг айланмалари 1823,6 миллион сўмга тенг бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ Халқ банкнинг Самарқанд вилоят филиалида 55 та савдо дўконлари ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, айни пайтга қадар 50 та савдо дўконлари очилиб, уларга 151,2 миллион сўм савдо кредитлари ажратилган. Шундан 15 миллион сўми савдо дўконларини таъминлаш учун. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш бўйича 2008 йил 1 октябрь ҳолатига омонат қолдиги 9139,9 миллион сўм бўлиб, шундан мuddатли омонатлар салмоғи 8238,8 миллион сўмни ташкил қилади. Йил бошига нисбатан жами омонат қолдиги 2872,5 миллион сўмга, шундан мuddатли омонатлар 1667,8 миллион сўмга кўпайишига эришилди ва бир сўз билан айтганда, 9 ойлик режа 102,1 фоизга ортиги билан бажарилди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банкнинг янги омонат турларига жалб қилиш юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Бу борада қатор ютуқларга ҳам эришилмоқда десак, муболага бўлмайди. Бунини қўйидаги статистик маълумотлардан ҳам билса бўлади. Масалан, "Барқарор" омонатига жалб қилинган маблағ 8238,8 миллион сўм, "Барқарор" омонатига жалб қилинган маблағ 8238,8 миллион сўм, "Фидкор" омонатига дим этувчи" омонатига 1699,9 миллион сўм, "Фидкор" омонатига 15,7 миллион сўм "Мустанқиллик совғаси" омонатига 23,1 миллион сўм ва "Тадбиркор" омонатига 54,9 миллион сўм, "Таътил" омонатига 517,2 миллион сўм ва "Баракат" омонатига 62,6 миллион сўм маблағ жалб қилинди. Тармоқлар корхоналари қосида очилган 33 та нақд жалб қилинди. Тармоқлар корхоналари қосида очилган 33 та махсус кассалар ва Халқ банки шохбчалари орқали 2008 йилнинг 9 ойи давомида 128 46,1 миллион сўм маблағ қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фўқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни амалга ошириш чорати тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳаммасининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ банкнинг барча филиалларида тегишли бўлинмалар ташкил этилиб, алоҳида мутахассислар тайинланган.

2005 йилдан то 2008 йилнинг бундас, уларнинг ҳаммаси маълумотлар базасига киритилди. Ва ушбу сўрвонмалар ағаларига жамғариб бориладиган пенсия дафтараҳвали тарқатилди.

Муҳтасар қилиб айтганда, аҳолига сифатли ва ишончли хизмат кўрсатиб келаётган Халқ банки, шу жумладан, унинг Самарқанд вилоят филиаллари юқорида зўхур этилган ютуқлар ва амалга оширилаётган ибратли ишлар билан чекланиб қолмиш ниятидан бутунлай йироқ, улар янада кўпроқ миջозлар ишончини қозониб, эл-юрт раънақи учун тиним билмай ишлашга, меҳнат қилишга интиломоқдалар.

Убайдулла ХўЖАНИЁЗОВ

ОПЕК ТАШВИШИ

Нефть нархи кундан кунга арзонлашиб бормоқда. Бу эса нефть экспорт қилувчи давлатларни ташвишга соляпти. Шунинг учун ОПЕКка аъзо мамлакатлар энергетика вазирлари эртага Венага тўпланишади. Бу ҳақда шанба куни Жазоир энергетика вазирини ва ОПЕК раҳбари Шакиб Халил хабар берди.

Унинг таъкидлашича, агар нефть нархи шундай арзонлашишда давом этса, уни қазиб олиш фойдасиз бўлиб қолади. Вазирлар йиғилишида таклиф



ва талаб масаласини муҳокама қиладилар. Шунингдек, қора олтин қазиб олишни камайтириш бўйича бир қарорга келишади. Шакиб Халилнинг қайд этишича, агар нефть нархи 70-90 доллар атрофида бўлса, харажати ниқошлари мумкин.

"ГАЗПРОМ"НИНГ СОФ ДАРОМАДИ

"Газпром" газ холдинги компанияси бошлиғи Александр Миллер 2008 йил якуни бўйича компания 30 миллиард доллар соф фойда кўришини айтди. Унинг таъкидлашича, "Газпром"нинг ўтган йилги соф даромади 22 миллиард долларни ташкил этган.

"Умумий даромадимиз 100 миллиард доллардан ошди, — деди у "Вести" муҳбирига. — Келгуси йилги фойдамиз бундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Чунки америкалик дўстларимиздан Аляска шельфида геология-қидирув ишлар олиб бориш тўғрисида таклиф олдик".

BMW ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ СТОТМОҚЧИ

Германиянинг BMW концерни келгуси йили АҚШга лизинг асосида 500 та минибанк электромобил сотишни мўлжаллаяпти. Бу ҳақда компания вакили сўзларига таяниб "Bloomberg" хабар тарқатди.

Хабарда айтилишича, электромобиллар Калифорния штати аҳолисига шартномани ўзайтириш шарти би-




лан бир йилга лизингга берилади. Бу икки ўринли электромобил мотори батареясининг бир заряди 240 километр масофага юришга етади.

Автомутахассисларнинг қайд этишича, BMW бундан фойда кўрмоқчи эмас, балки германиялик автомобилчилар ҳам зарарсиз машиналар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганини дунёга кўрсатиб қўйишмоқчи.

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШДИ

Россия президенти Дмитрий Медведев расмий сафар билан Ереванга келди. У Арманистон раҳбари Серж Саркисян билан учрашиб, энергетика масаласини муҳокама қилди. Мазлумки, Арманистонда энергия ресурслари, хусусан, уран захиралари бор.



Президентлар, шунингдек, Грузия ва Россия ўртасидаги август моҳларидан сўнг Кавказда вужудга келган вазиятни ҳам муҳокама қилдилар. Д.Медведев Ереванда Россия майдонининг очилиш маросимида иштирок этди.

ЯНА ЕР ҚИМИРЛАДИ

Кеча Чеченистонда яна ер қимирлади. «Эхо Москвы» хабарига қараганда, зилзиланинг кучи Рихтер шкаласи бўйича тўрт баллни ташкил этган. Ҳозирча вайроналар ва ҳалок бўлганлар ҳақида хабар берилмади. Зилзила маркази Грознийдан 50 километр узоқликда жойлашган.

Мазлумки, шу йилнинг 11 октябр кунини ҳам Чеченистонда ер қимирлаган эди. Ушанда 13 нафар киши ҳалок бўлган, 100 нафардан ортиқ аҳоли

турли даражада тан жароҳати олганди. Табиий офат натижасида 10614 та иморат зарар кўрган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 11 октябрдаги ер қимирлаши оқибатдаги вайроналарни тиклаш учун 3 миллиард рубль керак бўлади.

ЮЛДУЗЛАР АЖРАШМОҚЧИ

АҚШлик машҳур поп юлдуз Мадонна Луиза Вероника Чикконе ва британиялик кинорежиссёр Гай Ричи ажрашишга қарор қилишди. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, бу ажрашиш Ма-




доннага 20 миллион фунт стерлингга тушади. Никох шартномасига биноан, у эрига шунча товон пули тўлаши керак.

Юлдузлар етти йил бирга турмуш қуришди. Тўйдан икки ой олдин Мадонна Гайдан ўғил фарзанд кўрган эди. Кейинроқ поп юлдуз малавилек уч ёшли болани асраб олди. Шунингдек, унинг аввалги эридан қизи қолган.

Эслатиб ўтамыз, Мадонна Эридан 10 ёш катта эди. У бу йил ўзининг 50 ёшини нишонлайди.

9 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК СУРАТ

XX асрнинг энг таниқли рассомларидан бири Френсис Бэконнинг портрети Лондонда бўлиб ўтган Christie's ким ошдисавдосида 9 миллион долларга сотилди. Портретни рассомнинг шогирди ва яқин дўстларидан бири



Люсьен Фрейд чизган. Аукцион ташкилотлари бу асарни 10-14 миллион долларга сотилишини башорат қилишганди. Аммо ундай бўлмади.


Фрейд устози Бэконнинг бир неча портретини чизган. 1952 йилда Фрейд томонидан яратилган Бэконнинг яна бир портрети 1988 йили Берлинда ўтказилган миллий галарей пайтида ўғирлаб кетилган.

Жорий йилнинг май ойида Нью-Йоркда ўтказилган кимомошди савдосида Фрейднинг "Уйкудаги ишчи аёл" портрети рекорд суммага — 33 миллион 600 миң долларга сотилди. Уни Роман Абрамович харид қилди.

БОЛГАРИЯ ЎРНИГА РУМИНИЯ

"Газпром" раҳбарлари Москвада Руминиянинг "Transgaz" ва "Rom-gaz" бошлиқлари билан музокаралар ўтказишди. Манбада айтилишича, музокараларда South Stream («Жанубий оқим») газ қувурини Руминия орқали Европага ўтказиш масаласи муҳокама қилинган. Дастлабки лойиҳада бу қувурни Болгария орқали ўтказиш режалаштирилганди.

Кавказдаги моҳаролардан сўнг ЕИ қандай йўл билан бўлса-да Марказий Осиё газини Россияни чет-



лаб ўтадиган "Nabucco" лойиҳаси асосида Европага етказиш йўллари йўламоқда. Болгария ҳам ЕИнинг аъзоси сифатида шу лойиҳа тарафдори. Лекин Россия билан Болгария газчилари бошқа масалада келиша олмапти. Болгарияликлар ўз ҳудудидан ўтадиган газ қувурини ўз мулкларига бўлишини истамоқда. Россия томони эса бунга рози эмас.

Расмий Москвадан фикрича, лойиҳанинг ўзгаришига юқорида келтирилган асос сабаб эмас. Газ қувурининг Руминия орқали ўтиши лойиҳани 12 фоизга арзонлаштиради.

ТАФСИЛОТ

Украина: сиёсий курашлар силсиласи

Бундан ўн ойлар бурун Украинада Олий Радага сайловлар бўлиб ўтганидан сўнг, Олий Рада тарқатиб юборилиши айтилган. Президент ўз ваколатидан фойдаланиб Радани тарқатиш ва шу йилнинг 7 декабрь кунини мuddатидан олдин сайлов ўтказиш тўғрисида фармон чиқарди.

Украина конституциясида ҳеч бир сиёсий куч кўпчиликлари эга бўлмаса, Олий Рада тарқатиб юборилиши айтилган. Президент ўз ваколатидан фойдаланиб Радани тарқатиш ва шу йилнинг 7 декабрь кунини мuddатидан олдин сайлов ўтказиш тўғрисида фармон чиқарди.

Шуниси қизиқки, бу Фармон партиялар томонидан турлича қўйиб олинди. Айниқса, "Бизнинг Украина" билан гўядош бўлган Юлия Тимошенко Блокнинг қаттиқ қаршичилиги учрамоқда. Бош вазир тўғридан-тўғри фармонни бажаришдан бош тортгани билдирди. У ўтган кунини телевидениеда чиқиш қилиб, "Ҳеч қандай мuddатидан олдин сайловлар бўлмайди. Бундай сайлов мамлакатни йўқ бўлишига олиб келади", деди ва парламент аъзоларини ишини давом эттиришга чақирди.

Кунини кеча эса Юлия Тимошенко ҳукуматда мамлакатни иқтисодий инқироздан сақловчи коалиция тузиш ташаббусини олға сурди. Бош вазирнинг таъкидлашича, бу коалицияга барча партияларнинг энг яхши мутахассислари жалб этилиши керак ва улар иқтисодий инқироз чекингунча иш олиб боришлари лозим. "Агар зарурат бўлса, мен бу иш учун лавозимидан кетишга ҳам розиман", деди у.

Сиёсатчиларнинг таъкидлашича, ушбу ташаббус қўллаб-қувватлашишига ишонч жуда кам. Чунки бош вазирнинг бу ташвишли қаҳқирини бошқа кучлар томонидан истехзо билан қўйиб олинди. Уларнинг таъкидлашича, Тимошенко Радани тарқатмаслик ва сайловни кечиктириш учун шундай "жонбозлик" кўрсатаётган эмиш.

Украинадаги яна бир катта сиёсий куч ҳисобланган Минтақалар партияси раҳбари Виктор Янукович Радани тарқатиш ва мuddатидан олдин сайлов ўтказиш тарафдори эканлигини айтмоқда. У "Интер" телеканалига интервью берар экан, амалдаги ҳокимиятни тезлик билан алмаштириш зарурлигини таъкидлади. "Украинада мuddатидан олдин парламент сайловини ўтказиш шарт, чунки молиявий-иқтисодий вазият одамларнинг кўз ўнгида ҳалокат ёқасига келиб қолди", деди у. Януковичнинг қайд этишича, ҳозирги ҳукумат мамлакатни бошқара олмаётган. У сайловдан сўнг бош вазир бўлишига ишонини ҳам яширмади.

Минтақалар партияси раҳбари ЮТБ билан янги коалиция тузиш масаласига тўхталар экан, бу мумкин эмаслигини айтди. "Бундай коалиция бўлиши нотабиий. Бизнинг қарашларимиз турлича", деди у.

Украина коммунистик партияси етакчиси Петр Симоненко мuddатидан олдин ўтадиган сайловдан сўнг сўллар коалицияси тузилишига ишонч билдирди. Унинг таъкидлашича, Минтақалар партияси ва Литвин блоки билан биргаликда шундай коалиция тузиш мумкин. Симоненко, шунингдек, коммунистлар президент бошқарувини йўқ қилиш, парламент республи-



тарқатиб юборди ва унинг ўрнига Марказий ва Сўлқирғоқ судларини ташкил этди. Бундан ташқари, президент котибати Киев маъмурий апелляция судига мурожаат қилди. Бунга қарши ЮТБ тарафдорлари суд биносини эгаллаб олиб, судьяларга тазийқ ўтказишгача, уларга қўл кўта-

лади. Аммо ҳозирги иқтисодий бўҳрон пайтида ҳазинадан сайловга пул ажратиш осон эмас, албатта. Узоқ торттишувлардан сўнг ҳукумат бу тадбир учун 80 миллион доллар ажратишга қарор қилди. Шунда мамлакатнинг учунчи томони пайдо бўлди. Гап шундаки, сайловга бюджетдан маблағ ажратиш масаласини Олий Рада тасдиқлаши керак. Рада эса президент Фармони билан тарқатилган.

Олий Радага навбатдан ташқари сайлов ўтказилишини ёки йўқлигини деган саволга мамлакатда ҳозиргача ҳеч ким аниқ жавоб бера олмапти. Чунки моҳаролар кетидан моҳаролар келиб чиқмоқда. Сиёсий кучлар шунчалик бўлиниб кетгани, уларни муросяга келтириш масаласи ҳали-бери ҳал бўладиганга ўхшамайди.

Газетамиз саҳифаланаётганда Киевдан яна бир хабар тарқатилди. Унда айтилишича, Украина президенти иқтисодий инқирозга қарши қонулар қабул қилиши учун Олий Радани тарқатиш тўғрисидаги фармонини вақтинча тўхтатди. Мuddатидан олдин ўтказиладиган сайлов ҳам 7 декабрдан 14 декабрга қўчирилди.

Интернет ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Мамлакатимиз истиқлол йилларида мисли кўрилмаган даражада чиroy очди. Эркин шукуҳдан бахра олган юрдошларимиз бугун фаровон умр кечиришмоқда. Серкуёш заминимизда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, мулкдорлар синфи тобора кенгайиб бормоқда. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб эътироф этилганлиги боис соҳада ишлар ривожланиб бораёпти. Дадил, шахдам кадам ила тадбиркорликни тийиб этган фуқароларимизнинг гайрат-шижоати кишини хурсанд этиши шубҳасиз.

Бугун бозорларимиз расталарининг сархил мевалар ва истеъмол маҳсулотларига сероблиги-ю дастурхонимиз тўкинлиги йўлида тер тўкаётган, қолаверса, ҳаётимизни фаровон этаётган ишбилармонлар жамоаси ва фермер хўжаликлари аҳли ҳамда нодавлат секторидagi меҳнат жамоалари юртимиз салоҳиятини янада юксалишида катта улуш кўшмоқда.

Дарвоқе, ҳар бир жисмоний ва юридик шахс, меҳнат жамоасининг фаолияти ривож топишида банк тизимининг ўрни беқийс. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш учун ажратилаётган имтиёзли, кам фоизли кредит ва микрокредитлар, солиқ юкининг енгиллаштирилаётгани қисқа вақт ичида тадбиркорларнинг ўзларини ўнглаб олишлари учун замин яратмоқда. Буларнинг ҳаммаси халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, кўшимча иш ўринларини яратишдек эзгу мақсад сари кўйилган кадамдир. Истиқлол шарофати билан вужудга келган давлат акциядорлик тижорат "Асака" банки республикамиздаги йирик ва салоҳиятли молиявий муассасалардан бири ҳисобланади. Йирик жамоа юртимизнинг барча минтақаларига хизмат кўрсатиб, миқдорларнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурган десак муболаға бўлмайди. Биз куйида мазкур молиявий муассасанинг Бухоро вилоят филиали фаолияти хусусида тўхталиб, амалга оширилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида сўз юрита-миз.

ЕШ ОИЛАЛАРГА ЭЪТИБОР

Миқдорлар сони ортиб бораётган банкнинг вилоят филиали томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойида 10 494, 9 миллион сўм кредит берилган бўлиб, жумладан бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигида 2958, 9 миллион сўм, қурилиш соҳасида 586 миллион сўм, савдо ва умумий оқатланиш соҳасида 5318, 3 миллион сўмга тўғри келади. Шунингдек, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида 283,6 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Кредит олиб молиявий имкониятларини мустаҳкамлаб олаётган жамоалар кўп. Улар орасида ўз маҳсулотининг сифати ва хариддорчилиги билан танилган корхоналар ҳам талайгина. Базилиари маҳсулотларини хорижга экспорт қилмоқда. Бу албатта, мамлакатимизда хориж валютасини тежашга ёрдам бермоқда. Молиявий муассаса халқ хўжалигининг барча соҳаларига хизмат кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 16 февралдаги "Уй-жой қурилиши ва қурилиш бозорини ривожлантириш тўғрисида"ги қарорига асосан 281 миллион сўм ипотека кредитлари ажратилган бўлса, шундан 196 миллион сўм маблағ ёш оилаларга уй-жой сотиб олишга йўналтирилди.

— Мен, — дейди Бухоро туманида истиқомат қилувчи фуқаро Раҳматилла Тошев, — ипотека кредити олиш мақсадида "Асака" банкига мурожаат этган эдим. Банк ходимлари бир неча кун



ичида талабимни қондириб, 30 миллион сўм кредит беришди. Натижада, уй харид қилдим. Ҳозир ўз хонадонимизга эгамиз.

НАҚД ПУЛ ТУШУМИ МАРОМИДА

Молиявий муассаса фаолиятдан бундай ижобий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Замира Раҳмонова ҳам 30 миллион сўм ипотека кредит олиб, бугун янги уйда истиқомат қилмоқда. Улар мамлакатимиз Президентининг бундай имкониятлар яратганидан хурсанд.

Қувонарли томони шундаки, ҳожатманд фуқаролар муамоси ҳал этилмоқда. Жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб номланиши ҳам ёш авлодга бир қатор имкониятлар яратмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида истеъмол кредити учун 120,5 миллион сўм ажратилган бўлса, шундан 45 миллион сўми ёш оилалар учун мебель ва уй жиҳозлари харид қилиши учун берилгани фикримиз далилидир. Шунингдек, молиявий муассаса вилоятнинг иқтисодий аҳолини янада яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 2171 миллион сўм кредит ажратди. Натижада "Микромолиялаш тўғрисида"ги қонунга асосан 16 та хўжалик юритувчи субъектга 254, 3 миллион сўм миқдорда кредит йўналтирилди. Шу билан бирга "Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан 83 та фуқарога чорва моллари харид қилиш учун 97, 3 миллион сўм миқдорда кредит берилди.

— Очигини айтсам, ишим бу қадар осон ҳал бўлади деб ўйламаган эдим, дейди Замира Раҳмонова. — Уй-жой кредити оламан деб айтганимда, баъзи бир танишларим: "Бу сен ўйлаганчаки енгил иш эмас. Банкка бориб овра бўлма. Кўп сарсон-саргардон бўлганинг қолади", дейишганди.

Аммо бундай бўлмади. Зарур барча ҳужжатларни тақдим этганим, банкдаги ходимлар тегишли кредитни чўзмасдан, ортиқча қоғоз, иш туғдирмасдан ҳал этишди. Мен улардан жуда хурсандман. Ҳозир оиламиз билан бахтиёр, тотув яшаймиз. Уй-жой учун олган кредитимни ойма-ой қоплаб бориш қийинчилик туғдирмаяпти. Энг муҳими узоқ муддатга берилганидир.

Молиявий муассаса қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ҳам ўз улушини кўшиб келмоқда. Хусусан, пахта ва ғалла ҳосили етиш-



Миқдорлар талаби — фаолиятимиз мезони

— дейди ДАТ "Асака" банки Бухоро вилоят филиали бошқарувчиси Соҳиб АШУРОВ

лари ижросини таъминлаш бўйича 6 та коммунал тўловлар қабул қиладиган шохобчалар орқали 29 миллион сўм нақд пул кирим қилинди. Бундай хизмат турлари фуқароларга маъқул бўлмоқда. Энг муҳими, одамларнинг вақти тежалмоқда, уларнинг ортиқча оворагарчилигига чек қўйилди. Қайсидир бир донишманд вақт бу — пул деганида ҳикмат бор. Вақтинг кетди, нақдинг кетди, деб бежизга айтишмайди.

Маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма-дўконларини аҳоли гавжум ва оммавий савдо қилинадиган жойларда очилиши йўлга қўйилган. Натижада, "Бухоро-Америка" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ва "Хатс-Глед" хусусий ишлаб-чиқариш фирмаси томонидан аҳоли учун қурилиш ва кондитер маҳсулотлари сотилиб, банк газнасида жорий йилнинг саккиз ойида 44995 миллион сўм кирим қилинди. Натижада, бундай усул жами савдо тушумининг 74 фоизини ташкил қилди.

ДАРОМАД КЕЛТИРУВЧИ ОМОНАТЛАР

Аҳоли учун ҳар томонлама қулай ва манфаатли бўлган омонат турлари жорий этилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Бундай хизматлардан фуқаролар фойдаланиб катта даромад олишмоқда. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўтган 9 ой давомида "Таътил", "Меҳнат", "Мураббий", "Оқ олтин", "Мадад — 2007", "Пахта", "Қалдирғоч", "Бахтли аёл" ва "Барака" каби қатор омонат турларига чекланмаган миқдорда маблағлар қабул қилинаётганлиги ҳам фикримиз далилидир. Шу йилнинг 1



октябрь ҳолатига бундай омонат жамғармаларидаги маблағ 5166,8 миллион сўмни ташкил этди.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш борасида банкда 96 та иш ҳақи лойиҳаси бўйича ишлар амалга оширилди. Шунга мувофиқ ташкилот ва корхоналарда маошларни пластик карточкалар орқали бериш йўлга қўйилди. Ҳозирда савдо ва маиший хизмат ташкилотларида 101 та терминал ўрнатилган.

— Жамоамиз учун миқдорларимизнинг ҳар бир ҳақи талаби, фаолиятимизнинг асосий мезонидир, — дейди банк филиали бошқарувчиси Соҳиб Ашуров. — Ғиждувон, Вобкент, Шофиркон, Когон, Бухоро ва Жондор туманларидаги мини банкларимизда ҳам миқдорларга намунали хизмат кўрсатишмоқда. Масалан, биргина Ғиждувон кичик банки фаолиятини таҳлил қилиб кўрайлик. Айни пайтда унинг миқдорлари сони 63 та бўлиб, даромади 27155 минг сўмни ташкил этди. Албатта, чекка худудларда бундай молиявий хизматнинг йўлга қўйилиши аҳолига ҳар томонлама қулайлик туғдирмоқда. Энг муҳими, ходимларимиз ҳар бир миқдор билан алоҳида иш юритмоқда. Зарур бўлса уларга турли маслаҳатлар бериляпти. Бундай муъжаз молиявий муассасалар бизга ҳар томонлама кўмак бераёпти. Шунингдек, фаолиятимизда миқдорлар ва аҳолининг таклиф ҳамда истаклари доимий равишда ўрганилиб, зарур ҳолларда улар ҳисобга олинмоқда ва иш шу асосда ташкил этиляпти.

Биз давлат акциядорлик тижорат "Асака" банкнинг Бухоро вилоят филиали фаолияти билан танишиб, кўрсаткичлардан қониқиб ҳосил қилдик. Албатта, молиявий муассасада бундай ижобий ишлар кўп. Биз уларнинг бир қисминини ҳикоя қилдик, холос. Энг муҳими, мазкур банкнинг вилоятда ўз ўрни, макеи бор. Бу жамоа кўрсатаётган хизматлари билан вилоят истеъмол бозорини тўлдиришга ҳам ўз улушини кўшмоқда.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири. ®

"ВАҚТ ҲАМ ПУЛ"

Банк вилоят аҳолисини нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳам ўз улушини кўшиб келмоқда. Бу борада мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармонлар, ҳукумат қарорлари дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси бўйича қарорлари талаблари устидан қатъий назорат ўрнатилиб, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 44995, 4 миллион сўм касса-



га кирим қилинди. Нақд пул муамаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пулларни банкдан ташқари ноқонуний айланишини қисқартиришини таъминлаш юзасидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, нақд пулларнинг тушумини кўпайтириш мақсадида кенг халқ истеъмоли товарлари, яъни кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган ун ва ун маҳсулотлари, ёғ, шакар ва бошқа кундалик маҳсулотларга кўчирилаётган пул маблағларини алоҳида ҳисоб рақамлари орқали ўтказиш йўлга қўйилди. Бунинг афзаллиги шундаки, нақд пул маблағларининг турли хил айланиши қисқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб механизмининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олишни ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор-

МУТЛАА

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

“Оқ шуъла”лар жилоси

“Китоб қайси жанрда ёзилмасин, ўқишли бўлиши керак. Китобнинг ўқишли бўлиши муаллифнинг китобхонга айтадиган тўла мағизли ва жуда зарур фикри борлигини кўрсатади”. Буюк сўз устаси Абдулла Қаҳҳор ўзининг адабиётга оид мақолаларидан бирида ана шундай деб ёзган эди. Ёзувчи Рашид Аслоновнинг “Оқ шуъла” тўпламига киритилган қисса, ҳикоя ва бадий лавҳаларини ўқиб, улуг устознинг ана шу орзусига яқин асарлар яратилганлигини кўнгилларга ҳузур бахш этади. Дарҳақиқат, ҳар бир асар бадий жиҳатдан мукамал, таъсирчан, ўқимишли бўлсагина тилдан-тилга кўчиб, узок яшайди.

Рашид Аслоновнинг илк насрий тўплами “Висол” (1993 йил) ўз ўқувчиларида илиқ таассурот қолдиргани ва у адабий жамоатчилик томонидан яхши баҳолаганини эътироф этиш жоиз. Шундан кейин у республика матбуотида, турли тўпламлари баёзлар саҳифаларида тез-тез кўрина бошлади. Унинг мухлисларга тақдим этган — “Серқирра истеъдод”, “Юртим кўшиги”, “Юрт фарзанди”, “Соғиниб яшайман” сингари китоблари ўқувчиларга манзур бўлди.

Тўқсонинчи йилларнинг охирида Бухоро адабий муҳитига кириб келганлар сафида Рашид Аслоновнинг ҳам ўрни бор. Унинг ўзига хос овози, ижод услуби барча мухлислари кўнглини шод этмоқда. Негаки, у бошқа тенгдошларидан фарқли ўлароқ — услуби шакланган, ўз овозига эга адиб. У нимани ёзишни ва қандай тасвирлашни яхши билади. Энг муҳими Рашид — сўз қудратини, маъсулиятини теран англайди, сўзни муқаддас билади. Бўлар-бўлмаста “исроф” қилмайди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари раво ўқилади, ёзганлари ҳаётли, образлари жонли.

Рашид Аслоновни кўпроқ ижодкорлар ҳаёти қизиқтиради. Демак, унинг ўз мавзуси ва ўз айтар сўзи бор. “Булуғлар тарқалади” қиссасининг қурилиши, ифода йўсини асар муваффақиятини таъминлаган. Бу янглиг таассуротлар айниқса, “Учрашув”, “Оқ шуъла” ҳикояларида кўзга ташланади. Бунинг таажубланарли жойи йўқ, албатта. Зеро, Рашиднинг касби — журналист. Қатор йиллар радиода, газетда меҳнат ва ижод билан машғул бўлган, пировард — натижада энг яхши асарлари мавзуси, тағамини, ҳамир-туриши ҳам худди шу радио ва газета редакцияларида пишиб-етилиб, қоғозга тушган бўлса ажаб эмас.

Рашид Аслонов нафақат ёзувчи, айна пайтда қалами ўткир журналист, хозиржавоб публицист ҳамдир. Бунга унинг “Гулистон”, “Саодат” журналлари, “Инсон ва қону”, “Адолат”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Hurriyat” газеталарида босилган танқидий-таҳлилий мақолалари мисол бўлади. Зеро, чин маънодаги ижодкор шундай серқирра бўлмоғи керак.

“Оқ шуъла” китобидан ўрин олган “Жароҳат” очерки бадий таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Ярим тан, ярим жон Муҳаммад Шароповнинг аянчли тақдирини, дард-қувончларини ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Бу ёзувчи ўз қаҳрамонлари ҳаётини нечоғли яхши ўргангани ва ҳаётини далиллардан мо-

ҳирона фойдаланганини кўрсатса, иккинчидан муаллиф ўзини тўлқинлантирган, кўнглига тинчлик бермай келаётган ва ёзмаса бўлмайдиган мавзуларни қаламга олганидан далолат беради.

Рашид Аслоновнинг ютуғи шундаки, у ўзи яхши билган, ҳис этган, бошидан кечирган воқеаларни таҳлил этган ва бунга китобхонни ишонтира олган. Ёзувчи ҳикояларида жонли одамларни кўради. Муаллиф воқеа-ҳодисаларни холис туриб тасвирлашга ҳаракат қилади. Қаҳрамонларини таъриф-таъсиф билан эмас, ўзларини ҳаракат қилдириш, гапиртириш орқали характерини очишга эришади. Бу жиҳатдан “Кўзлар сўзлашарди”, “Номус”, “Соғинув”, “Аёл қалби”, “Тўқнаш” ҳикоялари диққатга сазовор.

Рашид Аслонов маҳорати айниқса, ҳикояларда характер яратиш услубида эътиборга моликдир. Биз бунга унинг асарларини ўқиб яна бир бор амин бўлдик. Хусусан, “Уста Тарас” ҳикояси фикримизга мисол бўла олади. Бу ҳикояни ҳар жиҳатдан мукамал асар десак муболага бўлмайди. Рашид Аслонов темирчи Умрзоқ бобони турли амалдорлар — раис, партком, омбор мудири билан тўқнаштириш жараёнида


инсоний қадрият, касбга садоқатнинг тугал бир манзарасини ёрқин чиқиб берган, унинг ички дунёсини очган. Темирчининг фикрлашида, юриш-туришида миллий қиёфаси равшан акс этиб турибди. Шу жиҳатдан темирчи образи типик характер сифатида китобхон тасаввурда сақланиб қолади. Сўқабаш темирчининг сиймоси, қилиқлари, муомалалари ишончли чиқилганки, ҳикояни ўқиганда сиз у билан юзма-юз туриб, қадрдон одамнингиз билан бемалол суҳбатлашгандек ҳис этасиз ўзингизни.

Ўз ижодини бадий публицистик лавҳа-очерклардан бошлаган Р.Аслонов бунга катта жанрга ҳам қўл уриб, тилга олса арзигулик асарлар яратмоқда. Бу билан биз унинг қисса ёки ҳикоялари бутунлай камчилик ва нуқсонлардан холи, мукамал ёзилган деб айтолмай-миз. Айрим асарларида такрорлар, русча сўзларга мойиллигидан қатъий назар, ёзувчининг янги тўплами китобхонларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Охунжон САФАРОВ,
Бухоро давлат университетини тил ва адабиёт кафедраси мудири,
филология фанлари доктори.
Дилмурод ЖАББОР,
“Пешку овози” газетаси муҳаррири,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Ўзлимиз — бойлимиз эмасми?




Бугун хорижликлар билан пошнали оёқ кийимларидан воз кечиб, оддийгина ўзига ярашган оёқ кийимини кийишаркан. Афсуски, бу фазилатларни камдан-кам ўзимизнинг ёшларда учратиш мумкин.

Оврўпа халқлари маданиятини кўпинча танқид қиламиз. Лекин ҳеч эътибор берганимиз, оддийгина саломлашиш одобида ҳам улар билан бизнинг ўртамизда қанчалар фарқ бор. Тўғри, Фарб халқларида “Ассалом алайкум” каби гўзал калом йўқ. Ҳатто кўлини кўксига қўйганча бошини хиёл пастга эгиб саломлашаётган чет эл муҳожириларига ҳам кўзимиз тушмаган. Лекин тан олиш керак, уларда бировларга кўр-кўрона эргашиш қусури йўқ. Ўзида бирон янги урф-одат кашф қилса-қиладики, ўзгаларникини ўзлаштиришга интилмайд.

Яқинда Олмонияда бўлиб қайтган бир ўртоғим ўз таассуротларини мен билан ўртоқлашди. Айтишича, немис ёшлари “модний” кийиминишга унчалик ҳам ўчмас, энг муҳими, ажнабий либосларни рад этишаркан. Бугун хорижликлар билан пошнали оёқ кийимларидан воз кечиб, оддийгина ўзига ярашган оёқ кийимини кийишаркан. Афсуски, бу фазилатларни камдан-кам ўзимизнинг ёшларда учратиш мумкин.

Айрим ёшларнинг ҳозирги пайтда эринмасдан уч бора ўпишиб, худди жонотларнинг (минг узр) сузишига ўхшаш бош уриштириб кўришиши, ҳатто “оёқ кўришиш” одатларини қандай баҳолаш мумкин? Бу айрим ёшларнинг савияси заифлашиб бораётганини билдирмайдими? Муқаддас ёшлар ҳаётининг тизгинсиз қонуниятларига айлиб бораётган кўр-кўрона эргашиш иллатидан қочиш керак. Хўлоса ўрнидаги сўзни эса ўқувчининг ўзига қолдирсак.

Фарход ЭШМУМИНОВ



Улуғ рус шоири Александр Блок ҳаёти ва ижодига қизиқиши шоир ҳаётлигида ҳам баланд бўлган. Ушбу ёдномашуҳ рус шоираси Марина Цветаеванинг тўнғич қизи, шоира, таржимон ва мусаввир Ариадна Эфрон қаламига мансуб “Марина Цветаева ҳақида хотиралар” китобидан олинди. Муаллиф йиллар ўтиб, онаси билан Александр Блокнинг шеърят кечасидаги таассуротларини ҳаяжон билан ифодалади. Адабиёт чегара билмайди, миллат танламайди. Бокий сўз қудрати, соҳир сўз сеҳри қалбларни ҳаяжонга солади. Шу сабабли буюк истеъдод соҳиби Александр Блок ижодига бефарқ бўлмаганлар учун бу ажойиб хотиралар қимматлидир, деган уйда уни “Hurriyat” ўқувчилари ҳукмига ҳавола этдик.

Ариадна ЭФРОН

Александр Блок кечаси



Кеч тушмасдан уйдан чиқдик. Онам менга Александр Блок ҳам Пушкин каби улуг шоирлигини ўқтириб кетмоқда. Унинг ҳар бир сўзидан аллақандай ажиб туйғу вужудимни чулғаб бораётганини ҳис этиб бораёяман. Онам расом Милотининг кичкина ҳужрасида китобларни варақлаб ўтирибди. Унинг ўзи эса ҳалигача йўқ.

Мен боғ бўйлаб чолиб, ўйнаб юрибман. Ёзувга кўзим тушди: “Александр Блок кечаси”, “Политехника музейида П.Кагон кечаси”. Умуман олганда, бу ерда ҳаммаси байрамона. Хиёбонларда, дарахтлар соҳисида иссиқ ноллар сотишмоқда ва граммофон янграб турибди.

Ниҳоят, расомлар Милоти ва Вишеславцев, шоир Павел Антокольский рафикаси билан кириб келишди. Биз чипта сотиб олишга кетаямиз. Олд эшикка кириб борганимизда ёқимли ва жарангдор овоз “Блок!”га деб чорлади. Бинафша ранг бахмал залга кирдик. Ҳамма жойлар банд. У эса ҳамон йўқ. Антокольский бизга бир неча ўриндиқлар олиб келди. Эндигина ўтирувдик ҳамки, шивир-шивир бошланди: “Блок! Блок! - Қаерда? Блок! Столга яқинлашди, ўтирди! - Настирин...”. Ҳаманинг юзидан севинч порлади.

Текис, котиб қолгандай юз. Тўқ рангли кўзлари сал пастга тушгандай, билинар-билимас кичик оғиз, юзининг ранги малла. Бутун борлиги котиб қолгандай кўринди. Кўзлари, лаблари, хуллас, бутун гавдаси қимирламайди.

“Уч” поэмасини ўқий бошлади. Қаҳрамоннинг исми — Байрон, ҳақиқий шоир Байрон эмас, албатта. Байрон қадимий дворян оиласининг кенжа қизига мафтун бўлиб қолади, қиз ҳам.

Кизнинг отаси бунга қарши бўлади, аммо муҳаббат ғолиб чиқиб, у йигит билан кетади. Киз қоронгу тулларнинг бирида бир ўзи отасиникига қайтиб келди. Озиб-тўзиб кетган, ҳориб-толиққан, қўлида эмизикчи боласи. Кун сайин ўғил ҳам ўсиб — улғаяди, аммо жанг майдонидан эмас, бал залларида дилини хушлашни афзал билади. Шундай кунларнинг бирида отаси Варшаванинг Атиргул кўчасида жон бераётганини билиб қолди. У етиб келганида отасининг жони аллақачон узилган экан. (Отасининг қабрида ётган қиёфаси, ташқи кўриниши бутунлай Блокнинг ўзига ўхшаб кетарди. Меҳрли кўзлар, таранг тортилган тана руҳидан ҳамон яхшилик эсиб турибди. Қўлида — никоҳ узуги).

Ўғил қабр ёнида турар экан, кўзи мотам либосидаги юзига қора парда торган аёлга тушди. Бу — онаси эди.

Бу асарнинг бошқа қисмида уруш, қўшинлар, ҳалок бўлганлар ҳақида сўз кетар, улар Ватан номи билан ўлимга тик боқар, улардан императрица кўз узмасди.

У раво, ўзгармас овозда сўзларди. Асар сўнггида ўғил вақт ўтиб, отасини бутунлай унутиб юборганини айтиб ўтди.

Блок тин олди ва тугатди. Барча олқишлади. Шоир ҳаяжон ичиди таъзимга эгилди. Халқ сўради: “Шеърларингиздан ўқинг!” “Ун икки”лар! “Ун икки”лардан бўлсин! “Номазлум аёл!” “Номазлум аёл”ни!

“Туманли тонг...”ни ўқий бошлади Блок. “Ёш боладай таъзими ҳам ўлчанар унинг. Кўришгунча! Ёнбошлаб тушган тонгга уришиб, жаранглаб кетар олис хотира!” (Бу мисралар менинг ёш хотирамга шу қадар қаттиқ муҳрландики, уларни унутолмадим).

Мен унинг ифодали ўқиган бошқа шеърларини эслай олмаيمان, аммо уларнинг маъносини сўзма-сўз айтиб беролман. Масалан: “Сенинг қиёфанг стол устидаги тилло гардишда товланиб турибди. Сенин хотираларинг — гамгин ва қайғули. Сен тунда тўқ кўк ёпинчиқни кийганча чиқиб кетдинг. Мен сенинг қиёфангни столдаги тилло гардишдан сидириб ташлайман”.

Блок тик турган ҳолатда, жиддий оҳангда, қисқа-қисқа нафасда ўқийди. Ўта гамгин ва босиқ кўринади. “Лабларимга совуқонлик билан теккиздинг кумуш узукларингни”.

Баъзан Блок сўзларни унутиб қўяр, шун-

да унинг орқасида ўтирган хоним ва жанобга қарар, улар эса кулибгина сўзларни айтиб туришарди. Онам камтарона бурчақда ўтирар, юзлари яллиғлар, лабларини тишлагандай тингларди. Гоҳ менинг қўлимдаги гулни олиб, гулнинг ҳидсиз барглари чиройли қирра бурнига теккизиб қўярди, хидларди. Унинг юзлари севинчданми, ҳайратданми порларди.

Кеч тушди. Блок узундан-узун паузалар билан ўқирди энди. Қоронғулик тушиб келарди. Орқамизда ўтирган жаноб чироқни ёқди. Қандилдаги ҳамма шамлар, хона деворларидаги улкан чироқ ҳам ёндирилди. Улар жуда хира бўлиб, қалин, қаттиқ шиша билан қопланган эди.

Бир неча дақиқадан сўнг ҳаммаси тугади. Онам Милотидан мени Блок ёнига олиб боришни сўради. Мен у турган хонага кирганимда, аввалига ўзимни ўйнаб юргандай кўрсатишга уриндим. Кейин Блокнинг ёнига

“Менинг авлодимдаги ўқувчилар “Пастернак ва Цветаева.” деб қанчалик кўп гапирганига бўлса, ўша давр авлодлари ҳам “Блок ва Ахматова” деган иборани шу даражада тилдан туширишмаган. Бироқ Цветаева учун бу номлар соф маънода шартли эди; улар орасида тенглик бор деб ўйламади у. Ахматова унинг учун она-синглилик туйғусини уйғотарди. Улар чиндан ҳам шеърятда она-синглик эдилар. Ахматованинг мутлақ оҳангдорлиги, руҳий латифлиги аввал бошдан Цветаевани қанчалик сеҳрлаган, ўзига тортган бўлса-да, кейинчалик булар Ахматова ижодининг ифодаси ва шеърятдаги шахсини ривожлантирувчи, белгиловчи сифатларга айлиниб қолди. “У — мукамалликнинг ифодаси ва афсуски, худди шу — унинг чегараси”, — деган эди Цветаева Ахматова ҳақида.

Павел Антокольский Цветаевага Блокнинг “Ун икки”сини олиб келгани, совга қилганини эслайман. Катта форматда оқ қоғозга битилган қора харфлар. Қоронгу шом, оппоқ қор. Анненконасифат иллюстрациялар билан моҳирона безатилган китобни ошхона-мизининг бўсағасидаёқ кўмирдай ловиллаб, ёввойи кўзлари билан ўқий бошлади онам. Бир нафас тин олиб, муштарини баландга кўтарди. Кўзларини юмганича столга келиб урилмагунча энди келишлари эсимда ҳамон. Худди шу стол атрофида Марина — онам ўтирди ва Антокольскийни кутиб олишга тик-ламай, У эса охиригача ўқиди ва онам индамай, кўзларини ердан узмай, тинглади, унинг қўлидан китобни олди. Ҳаяжон ва ҳайрат оғушида кўзининг қовоқларини туширди, тишларини маҳкам босди, юрагида ловуллаган оловни юзига чиқаргани келмади.

“Ун икки”нинг қўлами уни нафақат ҳайратга солди, балки маълум маънода ўзи ва ўзи қаторларнинг ижодидан, ёзаётганларидан уялтириб юборди ҳам! Бу ҳақда қайта ва қайта Блок ҳақидаги ўша насрий асариде таъкидлайди онам. Блокнинг умри узок бўлмаган бўлса-да, у кўплаб шоирлар, хусусан, ўша даврлардан бошлаб, давр руҳига мос келмаган циклар яратётган Цветаева учун ҳам паноҳ эди...

Бирок
Бу — Илҳом париси. Илҳомникимас.
Чириб битган иллар,
Қондош эмас сенга, йўлинг қўшилмас.
О, дўстлик! — Фақат аёл қўли биланмас —
Қонхўрлик! — Мен томон тортилар тугунақларни.

Ул қўрғошнинг бирлик —
Қора рангли чинқириқлар ичрамен.
Шарқ томон яллиғланди.
О, ким менинг нозик елкаларимни
Икки қачонини
Ўзига тортди?

Блокнинг аввал бошда Анна Ахматовага бағишланган, кейинчалик бу ёзуви олиб ташланган “Қизил от” поэмасида мураккаб, ўсиб боровчи, айна пайтда, “илоҳийлашган” Блок — “Ун икки”нинг ижодкори, шеърятнинг энг тиниқ ва оловқалб даҳоси, Цветаеванинг фикрича, унинг қўли етмаган чўққи соҳибининг образи гавдаланиб турарди.

У Блокни Москвада бир неча кунлар давомида — 1920 йилнинг 9 ва 14 май кунлари Политехника музейи ва Санъат саройидаги шеърят кечаларида кўрди, эшитди. У билан шахсан таниш эмас эди, бунга уринмади ҳам.

Бу — уни ҳам қувонтирар, ҳам армонига айланади. Шуниси яхши, — деб биларди у, — тасаввурдаги шоир ва учрашувлар уни ҳеч қачон ҳафсаласини пир қилмайди, кўнглини совитмайди...

Рус тилидан Ойгул СУЮНДИКОВА таржимаси.



ЕДНОМА

Бегубор қалб соҳиби

Халқимизнинг севилими ёзувчиси, оташин публицист **Неъмат Аминовни** яқиндан билганимда, яъни бирга ишлашган йилларимда инсон сифатида қашқ этиш насиб қилганди. Устоз "Муштум" журналида бош мухаррирлик қилаётганда каминани кутилмаганда ўринбосарликка таклиф қилиб қолдилар. У пайтгача **Неъмат ака** билан жудаям яқин эмасдик, шу боис кўкқисдан айтилган таклиф ажаблантирди. Кейин билсам, **Неъмат ака** ёшлар ижодини синълаб кузатар, ҳар бир чиқишини ҳисобга олиб борар экан. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталиги саҳифаларида матбуот кунга бағишлаб ёзган ихчам мақолам у кишининг назарига тушган экан.



Бир сафар олис вилоятдан келган шикоятчилар **Неъмат ака**нинг хузурига олиб киришни сўрашди. Арзини эшитадиган одам тополмаган шикоятчилар кун бўйи жигибийрон ҳолатда келишганди. Айни саратон маҳали эди. Хона соҳиби қўлини дуога очди, сўнг уларнинг ҳар бирига пиёлада чай узатди. Ташриф буюрганлар бунчалик одми муносабатдан хайратга тушиб туришарди. "Ажабо, бу каттакон деганлари ҳам ўзимизга ўшаган одам, экан-ку", деган маъно бор эди уларнинг юз-кўзларида. **Неъмат ака** бир лутф қилганди, "гурр" этиб кулги кўтарилиди.

— Бўлди, менинг шикоятим йўқ, — деди купилмаганда арзўйларнинг кексароғи. — Бу ерга келгунча қанча идорага бош урдик. Ҳаммаси хўрайиб кутиб олди. Ниҳоят шу ерга келиб қулдик-а. Бизни одам ўрнида қабул қилдингиз, бошқа муаммомиз йўқ. Агар эп кўрсангиз, биз томонларга йўлингиз тушганда — сўранг. Бир пиёла чойимиз бор.

Хозир ҳам қувдир муаммо билан келса, устозни го-йибона ёрдамга чорлайман. Сўхбатдошим чиройи очилганини кўриб, ичимда хурсанд бўламан. Устоз деганлари аслида шундай бўлмайдими?! Тўқсонинчи йилларнинг бошларида демократия, ошкоралик шабдалари эса бошлаганда турли минтақаларда эиёлилар ичиде депутатликка номзодлар кўпайиб кетди. Кимнидир маҳалладошлари кўрсатилса, яна бировни олис вилоятдагилар сўраб келишарди. Албатта, бундай пайларда эл-юртта танилган, назарга тушган ижодкорлар машҳурлик туфайли анча-мунча овоз тўплаш имконига эга

бўлишарди. Шу ҳақда гап-сўзлар кўпайган кунларда шогирдлардан бири сўз қотди: — **Неъмат ака**, нега сиз депутатликка номзодингизни кўймадингиз? Ишончим қомил, бемалол ўтиб кетасиз. — **Қўяверинг**, биз ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланамиз.

Ҳазиломуз айтилган бу жавобдан кулиб қўйгандик. Тақдирни қарангки, **Неъмат ака** республика "Маънавият ва маърифат" марказига раҳбар бўлган даврда Самарқанд вилоятидан айнан ўрни бўшаган округда парламент депутатлигига сайланганди.

У киши билан сафарда бўлиш бениҳоя мароқли эди. Каерга борсак, "Ие, **Неъмат ака** келибдилар-ку, қўлларини олиб қўйлик" дейишарди. Кўнглимдан халқ ёзувчиси мана шундай халқ меҳрини қозониши керак экан-а, деган фикр ўтарди. Бир сафар Зомин тоғларига бирга йўл олдик. Юксакликка кўтарила борар эканмиз, йўлимизда "Бухорои шариф" деган оромгоҳга кўзимиз тушди. Йўлимизда давом этдик, "Шаршара"ни эиёрат қилдик. Кўзда тутилган жойларни айланганимиздан сўнг устоз "Энди бир Бухорога ҳам ўтайлик" деб қолдилар. Бу ер Жиззах вилоятига қарайди. Бухоро узоқ десак, у киши хали йўлимиздаги "Бухорои шариф" оромгоҳини назарда тутган эканлар. **Неъмат ака**ни бу ерда дам олаётган бухороликлар ўраб олишди. Шу қадр дилкаш сўхбатлар бўлдики, ҳамма мазз қилди. Бухороликлар ўз адибларини соғиниб қолишган экан.

Устознинг оталари салкам бир асрлик умрини ниҳонисига етказганларида Бухорога борганимни эслаймам. Поезддан тушганимда укалари Болтабой кутиб олганди. "Ҳа, сиз ўшамиз?" дедим ҳазиломуз Болтабойга. Чунки укалари ҳақида **Неъмат ака** кўп гапириб бергандилар. "Хозир қайси маҳаллага борамиз?" сўрадим мезбондан. "Калободга" деди у оддийгина қилиб. Сўнг шу атама билан боғлиқ хангомани гапириб берганди. **Неъмат ака**нинг афандином дўстларидан бири Амин бобони йўқлагиси келибди. Тошкентга телефон қилиб, манзилни суриштирибди. **Неъмат ака** "Калобод маҳалласини сўранг" дебди. Дўсти эртаси кун мўлжал атрофига яқинлашиб, "Койка" маҳалласи қаерда деб сўраган экан. Ҳамма хайрон. Кейин биллишса, "Калобод"ни "Калавот" деб эшитган, хаёл паршонлигидан "Калавот" "Койка"га айланган экан.

Назаримда, **Неъмат ака** ҳақиқий инсон, сўнг ёзувчи бўлиб яшайди.

Шухрат ЖАББОРОВ

СПОРТ

ДАНИЕЛ КАРВАЛЬОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШ НИЯТИ БОР



Хабарингиз бор, бундан бир неча кун олдин ОАВда Россиянинг ЦСКА футбол жамоасининг бразилиялик ярим ҳимоячиси Даниэл Карвальонинг мамлакатимиз вице-чемпиони "Бунёдкор" сафига келиб қўшилиши мумкинлиги ҳақида хабарлар тарқалганди. Бу хабарлар нечоғли ҳақиқатга яқинлигини билиш мақсадида россиялик журналистлар футболчидан эксклюзив интервью олишган. Бўлиб ўтган савол-жавоблардан кейин футболчининг Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоасида ўйнашга хоҳиши борлиги ойдинлашган-дек бўлди. Жумладан, Ўзбекистонга бориш ниятингиз борми, деган саволга Даниэл Карвальо қуйидагича жавоб берган: "Инсон эртага нима бўлишини олдиндан айтиб беролмайди. Агар насибам қўшилиб бўлса, Тошкентга борарман. Ривалдо "Бунёдкор"га боргач, "Бунёдкор" жамоасининг эътибори анча ошганини тан олиш керак. Ростини айтсам, менга таклиф тушса, ўйлаб кўришга тайёрман. Ривалдодек юлдуз билан ўйнаш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди".

Шунингдек, у ўзбек футболни билан таниш эканлигини, 2003 йили ёшлар ўртасида Бирлашган Араб Амирикларида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида вакилларимиз унда илиқ таассурот қолдирганини ҳам айтиб ўтган.

«ПАХТАКОР» МАҒЛУБ БЎЛДИ



Яқшанба кунини Ўзбекистон чемпионати олий лига, 24-тур учрашувидан ўрин олган энг сўнгги учрашув Бекobod шахрида "Металлург" ва "Пактакор" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Учрашувнинг 36 дақиқасида "Металлург" жамоасининг маҳоратли футболчиси Калевич Нестеров куриқлабган дарвозага тўп киритиб, ўз жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Танаффусгача эса ҳисоб ўзгармай қолди.

Аммо иккинчи бўлимининг 74-дақиқасида "Пактакор" клубининг тажрибали ҳужумчиси Заиниддин Тоҳиев ўртадаги мувозанатни тиклади. Ҳамма футбол мухлислари ўйин дуранг натижа билан туйғайди деб турган бир пайтда ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтнинг 3 дақиқасида бекободлик футболчи А.Соболов меҳмонлар дарвозасини ишғол қилиб, ҳисобни 2-1 кўринишига олиб келди.

ИККИТА ЖИДДИЙ ЙЎҚОТИШ

Бугун футбол бўйича "Бунёдкор" футбол жамоаси Осиё чемпионлари лигаси ярим финал жавоб учрашувиде МХСК стадионида Австралининг "Аделаида Юнайтед" жамоасига қарши майдонда тўп суради. Пойтахтимизга етиб келган яшил қитъа жамоаси вакиллари "Жар" ўйингоҳида ўқув-йиғин машғуллар ўтказди ва унда Тошкентта ташриф буюрган меҳмонларнинг 19 футболчисидан 17 нафари иштирок этишди, холос. Негаки, "Аделаида Юнайтед"нинг асосий дарвозабони Евгений Галеевичнинг жароҳати бўлса, икки кун аввал ўтказилган машғулларда ҳужумчи Пол Агостино оёғини қайтариб олган. Шундай қилиб, "Аделаида Юнайтед"да иккита жиддий йўқотиш бор. Бу эса ўз навбатида ҳамюртларимизнинг имкониятини ошириши табиий.

Эслатиб ўтаимиз, "Бунёдкор" — "Аделаида Юнайтед" учрашуви МХСК стадионида бугун — 22 октябрь кунини соат 17:30 да бошланади.

СТИВ ЛУЭВАННИНГ НАВБАТДАГИ ГАЛАБАСИ




Америкалик чарм қўлқоп устаси Стив Луэвано австралиялик рақиб Билли Дибага қарши ўтказган жангида очколар ҳисобида голиб бўлиб, ярим енгил вазнда WBO йўналишининг камарини ҳимоя қилди. Мазкур учрашувни бевосита кузатиб борган уч ҳакамнинг ҳаммаси 116:112, 115:113 ва 117:111 ҳисобида бир овоздан америкалик боксчини голиб деб топди. Шунингдек таъкидлаб ўтиш керак, йигирма етти ёшли ушбу спортчи 2007 йилнинг июль ойидан бери тўрт марта рингга чиқиб, рақибларидан қўли баланд келмоқда. Эслатиб ўтаимиз, профессионал боксда ҳозирча Стив Луэвано ҳисобида 36 галаба, бир мағлубият ва бир дуранг мавжуд.

Азми РЎЗИЕВ тайёрлади.

Fitch Ratings

KNOW YOUR RISK

нуфузли халқаро рейтинг компанияси



Акциядорлик тижорат

«ПАХТА БАНК» НИ

2008 йилда ҳам

барқарор фаолият

кўрсатаётганини тасдиқлаб,

"БАРҚАРОР"

тоифадаги тўлиқ рейтингга муносиб деб топди.



Бизнессингиз ривожини сари

барқарор ҳамкорни

танланг!

Пахта банк — фаровонлигингиз калитидир!

ТАФАККУР

Ўзгани мақташ учун...

Бир марҳум олимни ёқлаб гапиргандим, маломатга ҳолдим. Раҳматли тириклигида бундай "ҳамкасблари" даврасида қандай юрган экан?...

Баъзи ижодий давраларда кимнидир мақтасам оғзимга уругдек бўлишарди, агар ёмонласам жон-жон деб қўшилаётганлар топилади. Ёмон гапнинг йўли бунча раво бўлмасан-я?!

Энг буюқ мақсадлар ҳам оддий гап-сўздан, яъни тилак, орзудан бошланади...

Камдан-кам одамлар аждодларидан қолган меросларнинг қадрига етати.

Кўнглинг тусанган нарсага эриша олмаган пайтнингда "Кўнглининг кўчаси курсин" деган гап таскинга айланади.

Армонсиз ўтган умр — умрмас.

Одамларга ёмон кўриниш учун ёмон бўлиш шарт эмас.

Тилдан қолсам қанчалик тилга тушишимни тасаввур этолмайман...

Ўзгани мақташ учун ўзимизникини камситиш шарт эмас.

Истеъдоди ҳаминқадар "ижодкор"гина ўзгаларга тош отишга устаси фаранг бўлади.

Маънавияти юксак одам нур, маънавиятсиз киши кир қидиради.

Тўлқин ЭШБЕК



- Илони йўқ, БУВИШОН!
ПАСТИНИ БЕРКИТСАМ
ЮҚОРИСИ ОЧИЛИБ
ҚОЛЯПТИ....

Хусан Солимов чизган сурат.